Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 75 (7215). ● 17 апрель, 1980 йил ◆ ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАР ПАРТИЯ

Ўлкамизда фусункор навбаҳор. Табиат ёшарган, одам ёшарган, одамлар ёшарган. Фасл гўзаллиги ҳаётимиз ҳусни-жамолига монанд. Кунларимиз бир-биридан сермазмун. Йўлимиз равон, ниятларимиз улуғ, мақсадларимиз катта, вазифаларимиз аниқ, қадамларимиз шахдам. Бонси—партиямиз XXV съезди белгилаб берган буюк яратувчилик ишларнинг амалга оширишга ҳиммат ва зўр эътиқод билан бел боғлаганмиз. Эришган зафарларимиз яна янги марралар сари сафарбар этмоқда.

Кунларимиз бири-биридан қутлуғ, тарихий воқеалар арафасидамиз. Дунёда энг азиз инсон, ҳозирги фаровон турмушимизнинг, бахти-иқболимизнинг ижодкори улуғ Ленин таваллудининг 110 йиллигини нишонлаш бўсағасидамиз. Шонли сананн муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ ҳаракати тобора авж олиб боряпти.

Партиямиз ленинча Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқлари халқимиз куч-ғайратини янада тўлқинлантириб юборди, унинг улуғвор ишлар учун сафарбарлигини оширди, янги-янги меҳнат зафарларига ундамоқда. Бу жанговар, илҳомбахш Чақириқлар барча совет кишилари қалбида, тинчликсевар, эрксевар эл-юртларнинг мустақиллик йўлида олиб бораётган курашида, завод ва фабрикаларда, гигант қурилиш иншоотларида, ҳаёт қайнаётган бепоён далаларда, қирмизи лопаларга бурканган қир-адирларда — ҳамма-ҳамма ерда акс-садо бермоқда. Миллион-миллион замондошларн қаторн областимиз меҳнаткашлари ҳам қудратли сафда мағрур бормоқдалар.

«СОВЕТ ИТТИФОҚИ ГРАЖДАНЛАРИ! ЛЕНИНЧАСИГА, КОММУНИСТЧАСИГА ЯШАШ, ИШЛАШ ВА КУРАШИШНИ ЎРГАНИНГИЗ!». Бу сўзлар ҳозирги куннинг жанговар шиорига айланиб қолди. Область халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилаётган кишилар ана шу шиорни дилга жо қилганлар. Ленинчасига, коммунистчасига ишлаш ва яшаш учун кураш ўз самарасини кўрсатмоқда: саноат корхоналарн, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозларда, барча меҳнат коллективларида ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини муддатидан илгарн бажарниш учун курашда салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Беш йилликни уч-тўрт йилда бажарган кишилар, бригада ва коллективлар сафи кўпайиб боряпти. Бўлиб ўтган ленинча очиқ партия йиғилишларида, сифат ва самарадорлик учун кураш, шахсий мажбуриятларни бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги-янги резервларни ишга тушириш масалалари нщчанлик, принципиаллик билан муҳокама қилиниб, партиявий-ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш тадбирларн белгилаб олиндн.

Меҳнат аҳлининг сафарбарлик руҳи, кўтаринкилиги, тетик кайфнятн, журъат ва жасорати, буюк яратувчилик куч-қудрати, ватанпарварлик ташаббуси, ўй ва интилиш ленинча интернационал дўстликка, ўзаро ҳамкорлик ва бнродарлнгни коммунистик идеалларга бўлган чексиз садоқатли, тинч, осойишта, фаровон турмушга интилишлари, ёркин истиқбол сари комил ишонч билан бораётганлнгн партиямиз Чақириқларида ўзнинг мужассам ифодасини топган. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат қилаётган хилма-хил касб эгалари: ишчилар, колхозчи-деҳқонлар, зиёлилар, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари, хуллас ҳар бир совет кишисн ўз шаънига айтилган оташин сўзларни жамиятимизни тараққиётининг яна бир улкан, янги босқичига кўтаришга ундовчи жанговар, аниқ иш программаси сифатида қабул қилдилар.

Бу йилги баҳоримизнинг ўзига хос тарихий аҳамнятн шундаки, бу йил фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 35 йиллигинн нишонлаймиз. Совет халқининг буюк, тенги йўқ жасорати, қаҳрамонлиги асрлар оша яшайверади. Ватанимиз миллион-миллион азиз фарзандларининг муқаддас қони эвазига қўлга киритилган улуғ ғалабамиз жаҳон халқларининг тинчлик, эрк ва мустақиллик учун, ўзаро ҳамкорликда тотув яшаш учун кураш йўлнни сўнмас машъал каби ёритаверади. Даҳлсиз она тупроқ учун ширин жонларидан кечганлар ва уруш уқубатларини бошдан кечириб, ҳозир сафимизда яшаб, меҳнат қилаётганларга ҳамиша таъзим бажо келтирамиз. Партиямиз Марказий Комитетининг Чақириқларида айтилганидек: СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИДАГИ ЖАСОРАТИ АСРЛАР БУЙИ ЯШАЙВЕРСИН!

ВАТАНИМИЗ ШОН-ШАВКАТИ, ОЗОДЛИГИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН КУРАШДА ҲАЛОК БЎЛГАН ҚАҲРАМОНЛАРГА АБАДИЙ ШОН-ШАРАФЛАР!

Партиямиз Чақириқларида халқ хўжалигининг барча тармоқлари кабн қишлоқ меҳнаткашлари олднга ҳам янгн-янги вазнфалар қўйилган: ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ер, техника, ўғитдан яхшироқ фойдаланиш, дон, пахта, картошка ва сабзавот етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтиришга даъват этилган.

Ана шу даъватлар область қишлоқ хўжалик ходимларини янги зафарлар сари руҳлантириб юборди. Илғор сабзавоткор, галлакор, чорвадор ва пиллачиларнинг ватанпарварлик ташаббуслари кенг қанот ёймоқда, уларнинг издошлари сафи кун сайин кенгаймоқда. «Илғорлар сафига қўшиламиз» деган сўзлар ҳар бир хўжалик ва бригадада такрорланмоқда.

Партиямиз Чақириқларига лаббай деб жавоб берган илғор пахтакорларимиз янги ташаббус билан майдонга чиқдилар. Улар гектаридан 50—60 центнердан «оқ олтин» етиштирнш учун курашга бел боғлаганликларнинг изҳор этдилар. Бу ватанпарварлик ҳаракати область партия комитети томонидан қизғин маъқулланди.

Олдимизда турган улкан, масъулиятли вазнфаларнн муваффақият билан бажариш, коммунистик қурилиш ишида омманинг актив иштирокини таъминлаш кишиларда юксак онглилик, чуқур коммунистик эътиқод, марксча-ленинча дунёқарашнн шакллантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Сиёсий-тарбиявий ишларимизни муайян мақсадга йўналтирган ҳолда ҳужумкорлик ва изчиллик билан олиб борнш, барча ғоявий-сиёсий таъсир воситаларидан унумли фойдалана билнши, тарбия ишларига комплекс ёндашиш идеология ходимлари зиммасидаги энг биринчи даражали ғоят масъулиятли ва шарафли вазнфадир.

Бу вазнфалар партиямизнинг 1 Май Чақириқларида ҳам алоҳида жаранглаб турибди. «ИДЕОЛОГИЯ ФРОНТИНИНГ ХОДИМЛАРИ! ТАРБИЯ, АХБОРОТ, ПРОПАГАНДА ИШИНИНГ ИЛМИЙ САВИЯСИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИНГИЗ!

ҲАР БИР СОВЕТ КИШИСИ КОММУНИСТИК ҒОЯВИЙЛИК, ҲАЁТДА АКТИВ ПОЗИЦИЯДА ТУРИШ РУҲИДА ТАРБИЯЛАНСИН!».

Ленин ғояларига абадий содиқ бўлган совет халқи ўз раҳнамоси, етакчиси ва йўлбошчиси—коммунистик партиясига чексиз ишонч ва садоқат билан боғлангандир. Партиямиз билан халқ бирлиги тенги йўқ куч, қудрат ва ғалабаларимиз манбаидир. Партиямизнинг ленинча ички ва ташқи сиёсатн барқарор этгнрншдан иборат ташқи сиёсати халқимизнинг туб манфаатларига, энг эзгу орзу умидларига мосдир. Фаровон турмушимиз, бахт ва саодатимиз, тоте ва иқболимизнинг мангу чароғбонидир. Бинобарин, партия режалари—халқ режаларидир, унинг Чақириқлари жанговар иш, янги ижтиқболлар программасидир.

Даврнмизнинг яқл-ндроқн, шон-шарафи ва виждони бўлган Коммунистик партия шаънига бир овоздан деймиз: «ЯШАСИН СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ РАҲБАР ВА РАҲНАМО КУЧИ — ЛЕНИНЧА СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ!

ЯШАСИН ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚНИНГ БУЮК БУЗИЛМАС БИРЛИГИ!»

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхозда пиллачиликни ривожлантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Жумладан, ўтган йили хўжаликда 258 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 70 килограммдан «кумуш тола» олиниб, социалистик мажбурият муваффақиятли адо этилди. Моҳир пиллачи Шафоат Қорабоева эса уч қути қурт уруғи парвариш қилиб, қабул пунктига 300 килограммдан кўпроқ қимматбаҳо хом ашё етказиб берди. Бу пиллачига мукофотга «Жигули» машинаси берилди. Шунингдек, Умринисо Раҳимбердиева, Манзура Носировалар ҳам пилладан юқори ҳосил олиб, мусобақа пешқадамлари сафидан ўрин олишди.

Колхоз «кумуш тола» ижодкорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида 260 қути қурт уруғини парвариш қилиб, уларнинг ҳар қутисидан 75 килограммдан пилла олишга аҳд қилишган. Ҳозир хўжаликда ипак қурти парваришига ҳамма нарса шай. 310 та қуртхона сифатли ремонт қилинди. Пиллачиларга етарли миқдорда сўкичаклар, ёқилғи ва бошқа зарур асбоб-ускуналар етказиб берилди. 55 гектар майдонлагн тутзорлар яхши парвариш қилимоқда.

Пиллачилар кўп ўтмай ипак қурти парваришини бошлаб юборадилар. Улар областимизнинг илғор пиллачилари ташаббусига қўшилиб, доҳий Ленин юбилейи йилида «кумуш тола»дан рекорд ҳосил етиштириш ишқида меҳнат қилишяпти.

А. НАБИХЎЖАЕВ.



Механизатор М. Султонов Янгийўл районидаги «Партия XXI съезди» колхози звеносига етакчилик қилади. Звено пахтакорлари бу йил ҳар гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилишган. Улар чигит экишни хўжаликда биринчилар қаторн тугалладилар. Суратда: механизатор М. Султонов сеялкачи В. Мирзахалилов билан.

А. Мальцев фотоси.

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

«В. И. Ленин, КПСС партия билан давлат аппаратининг иши тўғрисида» номли тўпламнинг иккинчи кенгайтирилган нашри босмадан чиқди. Бу тўпламда партия ва давлат аппарати ишларини такомиллаштириш тўғрисида Ленининг йўл-йўриқлари, маслаҳатлари, мулоҳазалари ҳамда партиянинг шу тўғридаги ҳужжатлари эълон қилинган. Иккинчи нашрда 1975 йил сентябрь ойидан бошлаб 1979 йил ноябрь ойигача кабул килинган ҳужжатлар илова этилган. Бу материаллар совет жамияти ривожланишининг янги босқичида партия ва давлат аппарати олдида КПСС XXV съезди карорларини ва СССРнинг янги Конституциясини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган вазифаларнинг кўпайганлигни ва мураккаблашганлигини акс эттиради.

Тўпламни сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 16 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунлик ўсиш, учинчи устун — мавсум бошидан бери.

Оққўрғон	—	100
Бекобод	—	100
Коммунистик	—	100
Бўка	—	100
Ғалаба	—	100
Пскент	4	100
Ўрта Чирчиқ	7	100
Чиноз	—	100
Янгийўл	5	100
Область бўйича:	2	100

ПИЛЛАЧИЛИК ВА ИХТИСОСЛАШТИРИШ

КПСС XXV съезди қарорларида қишлоқ хўжалигида ихтисослаштиришни кучайтиришга катта эътибор берилган. Совхозимизнинг ташкил этилиши бу қарорларга амалий жавобдир. Ҳозирги пайтда хўжалигимизнинг 452 гектар майдони бўлиб, унинг асосий қисмида тут кўчатлари етиштирилади. Шу билан бирга 18 гектар майдонда токзор, 33 гектар ерда ёлмазор бор. 50 гектар ерга сабзавот экинлари экканмиз. Ўтган йили биз хўжаликларга 10 миллион тупдан ортиқ тут кўчати сотдик. Давлатга узум ва сабзавот маҳсулотлари топшириш планлари ошириб бажарилди.

Ўтган йили хўжалигимиз коллективи пилла топшириш планини бажарди. Бироқ, эришилган натижа пиллачиларимизни қаноатлантирмади. Чунки «кумуш тола» етиштиришни кўпайтириш имкониятларидан тўла фойдаланилмади. Бу йил совхозимизда пиллачилик комплекси ташкил этилмоқда. Шу кунларда «Узглавшелк»нинг қурилиш бригадаси коллективи 12х18 метр катталикдаги 16 та йиғма қуртхоналар қурилишини тугаллаяпти. Уларнинг ишга туширилиши пиллачиликни ҳам саноат асосига ўтказиш имконини беради.

Бу комплексдан фақат ипак қурти парваришн давридагина эмас, балки йил бўйи фойдаланишни мўлжалламоқдамиз. Пилла териб олингандан сўнг сўриларни йиғиб, қуртхона ичини трактор билан ҳайдаб, тут кўчати уруғларини экамиз. Бу янги навли тут кўчатларимиз барги ипак қурт-лари учун жуда тўйимли бўлиб, шу билан бирга узоқ вақтгача сўлимайди. Бундай тут кўчати уч-тўрт йилдан сўнг ҳозир экилаётган тутларга қараганда икки ҳисса кўп барг беради.

Янги нав тут кўчати олингандан бўлган ерларга кеч кузда гул экамиз. Шундай қилинганда комплекс қурилишига сарфланган маблағ икки-уч йил ичида қопланади.

Ҳозирги кунларда совхозимизда ипак қурти боқиш мавсумига ҳамма нарса тахт қилинган. Қурт уруғи жонлантириш учун инкубаторияларга қўйилди.

Совхозимиз пиллачилари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида мўл «кумуш тола» етиштириб, зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этиш учун астойдил ҳаракат қиладилар.

А. ҚОДИРОВ,
Бўстонлик районидаги Тошкент ипак қурти наслчилиги совхозининг директори.

КОЛХОЗЧИЛАР ВА СОВХОЗЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИ! ДОН, ПАХТА, ҚАНД ЛАВЛАГИ, КАРТОШКА ВА САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТГА СОТИШНИ КЎПАЙТИРИНГИЗ!

КЎКЛАМГИ ДАЛА ИШЛАРИНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗАЙЛИК!

МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИБ, ВАТАННИ ҚУВОНТИРАЙЛИК!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1980 ЙИЛ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

ЮКСАК ИШ УНУМИГА ЭРИШИЛМОҚДА

Тошкент областидаги Ғалаба районининг механизаторлари юксак иш унумига эришдилар. Улар чигит экишни қисқа муддатларда тугалладилар. Ипатоволиклар усулида тузилган отрядлар составида ишлаган ҳар бир экиш экипажи бир смена давомида 13 гектар майдонга чигит экишди. Бу эса нормада белгиланганидан 4 гектар кўпдир. Ишнинг ана шундай ташкил қилинганлиги чигит экишни бир ҳафта ичида ўтказиш имконини берди.

«Ўзбекистон бош йилларн» совхозидан доигдор пахтакорлар, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Энвер Алиев билан Абдусаттор Сулаймоновлар экиш ишларида мусобақа машъалларн бўлишди. Уларнинг ҳар бири кун сайин 15 гектар майдонга чигит экишди.

Район хўжаликларида агрегатлар даланн бир марта айланиб ўтишда бирданига уч ишни — уруғ экиш, ўғит ва гербицид солиш ишини бажарди. Ҳамма жойда ерга нуқул туксизлантирилган уруғдан фойдаланилди. Бундай уруғ тез ва қийғос униб чиқади. Тажриба шуни кўрсатдики, бундай уруғ ҳосилга 2 центнер ҳосил қўшиш имконини беради. Бу йил район деҳқонлари 15,2 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан хирмон кўтариш мажбуриятини олдилар. (ЎзТАГ).

19 АПРЕЛЬ— КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК

АНЪАНАГА САДОҚАТ

ҲАР ЙИЛИ улуғ доҳий В. И. Ленни туғилган кун шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш халқимизнинг ажойиб анъанаси бўлиб қолган. Совет давлати ва Коммунистик партия асосчиси гражданлар урушининг оғир йилларида меҳнаткаш халқ томонидан бошланган бу ташаббусга юксак баҳо берган эдн. Унн коммунизмнинг куртаклари деб атаб, бу ватанпарварлик ҳаракатнни кенг ёйишни васият қилган эдн.

Барча совет кишилари қаторн чирчиқликлар ҳам улуғ доҳийнинг ана шу васиятларига тўла амал қилмоқдалар. Умумхалқ ҳашарида 70 мингдан ортиқ чирчиқликлар қатнашдилар. Уларга минг кишилар маҳсулот ишлаб чиқариш билан банд бўлишади. Саноат корхоналарида агрегатлар ва станокларнн бошқарадигилар сафида салкам 33 минг киши бўлади. 4 мингдан ортиқ бинокор эса қурилиш объектларида меҳнат қилади. Икки ярим мингдан ортиқ транспорт ва алоқа ходимлари ҳам бевосита ўз ишларн билан шуғулланадилар.

Чирчиқликлар шу кунн кам билан 1,8 миллион сўмлик турли хил саноат маҳсулотларнн ишлаб чиқарадилар. Объектларда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 105 минг сўмликни ташкил этади. Автотранспортчилар 15 минг тонна халқ хўжалиги юкларини белгиланган манзилларга етказиб берадилар. Бир кунда 2200 тонна минерал ўғитларн, 6 та трансформатор, бўлагтиш аппарати, 200 минг сўмлик кенг истеъмол товарларн тайёрланади. Шу кунн ҳаммаси бўлиб 56 минг сўмлик иш ҳақи тушади, бу маблағ чирчиқликларнинг қарорн билан ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Шаҳарда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ҳам кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилиши мўлжалланмоқда. Бу иш билан деярлн 32 минг киши банд бўлади. 10 мингдан ортиқ дарахт кўчатлари ва буталар экилади, 30 километр узунликдаги ирригация шоҳобчаларн тартибга келтирилади.

Умумхалқ ҳашари кунн чирчиқликлар халқимизнинг ажойиб анъанасига содиқ эканликларини яна бир бор намойиш қиладилар.

М. МАҲМУДОВ.

Бир жон, бир тан бўлиб

МОСКВАЛИКЛАР ташаббусига қўшилган Карл Маркс номли колхоз меҳнаткашлари 19 апрель кунн қишлоқ марказини ободонлаштиришга аҳд қилишган. Коммунистик шанбаликда иштирок этувчиларнинг аксарият кўпчилиги колхоз марказидаги катта боғга тўпланадилар. Шу кунн бу ер шанбалик маркази бўлади. 20 гектар майдондаги ёш мевали дарахтларга ишлов берндади, таналари оқланади, таги юмшатилади.

Бундан ташқари, минг туп тут кўчати, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади.

Колхоз меҳнаткашларидан 500 кишн, Н. Крупская номли мактаб коллективидан 200 киши, С. Раҳимов номли мактабдан эса 180 кишн шанбаликда актив иштирок этадилар. Шу кунги меҳнатдан тушадиган маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

Х. ШОЗАДАҚУЛОВ,
Бўка райони.

ХЎЖАЛИК РАҲБАРИ МИНБАРИ

дамлилиги билан пахтакорларимизга маъқул тушиб қолди. Шунинг учун бу йил пахта майдонларимизнинг асосий қисмига ана шу нав чигитн қадалди. Уруғлик чигитни экишга сифатли тайёрлаш мақсадида бу ишни марказлаштирилган ҳолда йўлга қўйдик. Чигит, минерал ўғитлар, гербицидларни бевосита иш жойига етказиб бериш учун 8 та транспорт трактори ажратдик. Шунингдек, экиш агрегатларига ёнилғи-мойлаш материаллари ҳам иккита машина ва битта транспорт тракторида етказиб бериб турилди. Иккита кўчма устахона механик ва слесарлари техника воситаларига бевосита даланинг ўзида хизмат кўрсатдилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти механизатор ва пахтакорларимиз унумли меҳнат қилишлари учун эса ротацияли иш қурилларни қўлладик.

БАРАКАЛИ ХИРМОН ЗАМИНИ

Чигитни энг қулай агротехника муддатларида сифатли экиш пахтадан юқори ҳосил етиштиришнинг заминидир. Чунки тобига етган тупроққа ташланган уруғ бир текис униб чиқади. Бу эса кўчат бут бўлишининг асосий омилидир. Шунинг учун хўжалигимиз аъзолари чигит экишни қисқа муддатда тугаллаш учун барча имкониятларни ишга солдилар.

Колхозимиз экин майдонларининг асосий қисмида сизот сувлари ер сатҳига яқин жойлашган. Шу сабабли биз фақат 9 апрелдагина даларага экиш агрегатларини олиб кириш имкониятига эга бўлдик. Шунга қарамай 720 гектар майдонга уруғ ташлашни тугалладик. Бу техника воситаларидан юксак унум билан фойдаланиш, пахтакор ва механизаторларимизнинг фидокорона меҳнатлари самарасидир.

Механизаторларимиз тупроқдаги намни сақлаш учун экиш олдидан барча далаларни икки сидра борона қилдилар. Нотекис пайкалларда эса бороналарга мола ҳам қўшиб тиркалиб, улар билан пайкалларнинг узуни ва кўндалангига ишлов беридн. Бу ишларга 12 та ҳайдов трактори ажратилди. Экин майдонларини текислашда тўртта махсус агрегат ва иккита бульдозердан ҳам фойдаландик. Дала гвардиячиларимиз астойдил ғайрат қилиб экиш агрегатларига ўз вақтида иш фронти тайёрлаб бердилар. Айниқса механизаторларимиздан Олим Азизхўжаев, Турсунали Шодиев, Эргаш Шокиров ва бошқалар ғайрат қилдилар. Зич тупроқли майдонларни юмшатиш учун эса ротацияли иш қурилларни қўлладик.

Далаларда 20 экиш агрегати ишлади. Ер шароитларимизни ҳисобга олган ҳолда 275 гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб, қолган пайкалларга эса тор қаторлаб экдик. Чигит экиш билан бир йўла далаларга минерал ва маҳаллий ўғитлар, гербицид ҳам солинди. Далаларга маҳаллий ўғит солиш учун экиш агрегатларига махсус мосламалар ўрнатдик. Бунда ҳар гектар майдонга 150 килограммдан аммофос ва 1 тоннадан гўнг солинди.

Ўтган йили далаларимизга «Қизил работ» навн чигитини эккан эдик. Бу нав тезпишарлиги, вилтга чидамлилиги билан пахтакорларимизга маъқул тушиб қолди. Шунинг учун бу йил пахта майдонларимизнинг асосий қисмига ана шу нав чигити қадалди. Уруғлик чигитни экишга сифатли тайёрлаш мақсадида бу ишни марказлаштирилган ҳолда йўлга қўйдик. Чигит, минерал ўғитлар, гербицидларни бевосита иш жойига етказиб бериш учун 8 та транспорт трактори ажратдик. Шунингдек, экиш агрегатларига ёнилғи-мойлаш материаллари ҳам иккита машина ва битта транспорт тракторида етказиб бериб турилди. Иккита кўчма устахона механик ва слесарлари техника воситаларига бевосита даланинг ўзида хизмат кўрсатдилар. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти механизатор ва пахтакорларимиз унумли меҳнат қилишлари учун шароит яратиб бердилар. Уларга икки маҳалласиққ овқат таҳёрланди. Далаларнинг шийпонларида колхозчиларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун ҳамма нарса муҳайё қилинди.

Чигит экишда механизаторлардан Раҳмонали Усмоналиев, Мелиқўзи Тўхтаев, Илёс Сулаймонов, Мўлдош Мирзақуловлар айниқса жонбозлик кўрсатишди. Уларнинг ҳар бири кунига 10—12 гектар майдонга барака уруғи қадади.

Чигит экиш ниҳоясига етди. Ҳозир пахтакорларимизнинг бутун диққат-эътибори чигитни тупроқнинг мўл пахта ҳосили етиштириш учун жуда муҳимлигини кўп йиллик тажрибамизда синаб кўрганмиз. Шунинг учун ҳозирги пайтда агрегатда чигит экилган майдонларнинг четларига, дарахтлар остига ҳам қўлда уруғ ташланяпти. Ҳозирдан бошлаб бўлиқ гектарлар ҳосил қилиш учун бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.

Хўжалигимиз пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг якуловчи йилида ҳар гектар майдондан 40 центнердан хирмон кўтариш ва давлатга 3 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олганлар. Ҳакимполвон Сандғозиев, Малика Тўйчиевалар бошлиқ илғор бригадаларимиз В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллик юбилейи йилида 50 центнерлик маррани кўзлаганлар. Пўлат Эргашев ва Ботир Юсуповлар бошлиқ бригадалар пахтакорлари ҳосилдорликни 40—45 центнерга етказишга аҳд қилишди. Бу коллективлар хўжалиқда чигит экишни биринчилар қатори тугалладилар. Улар ҳозирги кунларда чигитни текис ундириб олиш ва гўза қатор ораларига дастлабки ишлов беришни бошлаб юбориш чораларини кўришяпти.

Янги ҳосил учун курашда дастлабки синовдан муваффақиятли ўтдик. Энди гўза парваришини ҳам илғор агротехника қоидалари асосида олиб борнб, барча далаларимизда юксак социалистик мажбуриятимизга яраша «оқ олтин» етиштириш учун янада ғайрат қиламиз.

У. ҲАСАНОВА,
Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоз раиси.

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Тошкент область партия комитети Ўзбекистон ССР Олий Совети ўрта махсус таълим министрлиги, ТошДУ ҳузуридаги ижтимоий фанлар ўқитувчилари малака ошириш институти ҳамкорликда «Социалистик революциянинг ленинча назарияси ва ҳозирги замон» масаласи бўйича илмий-назарий конференция ўтказдилар.

Конференцияда шаҳар ва районлар партия комитетлари секретарлари, пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, йирик корхоналарнинг раҳбарлари, мактаб директорлари, ижтимоий фанлар кафедраларининг бўлим мудирлари, касаба союз ва комсомол ходимлари қатнашдилар.

Тошкент область партия комитетининг секретари А. И. Икромов конференцияни кириш сўзи билан очди.


Илмий-назарий конференцияда Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти тарих кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори, профессор Ч. А. Абдутолипов «В. И. Ленин социалистик революциянинг генинал стратеги», Тошкент медицина институтининг илмий коммунизм кафедраси мудири, тарих фанлари доктори профессор М. П. Новиков «Турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши тўғрисидаги ленинча принцип», ТошДУ ҳузуридаги малака ошириш институти сиёсий иқтисод кафедрасининг доценти, иқтисод фанлари кандидати Т. Г. Мазитова «В. И. Ленин — империализм социалистик революциянинг ғарафаси эканлиги тўғрисида», ТошДУ ҳузуридаги малака ошириш институти илмий коммунизм кафедрасининг мудири, философия фанлари доктори, профессор М. А. Аҳмедов «В. И. Ленин тараққиётнинг нокапиталистик йўли ҳақида», Тошкент педагогика институти КПСС тарихи кафедрасининг мудири, тарих фанлари доктори К. Ҳ. Ҳасанов «Ленин ва Ўрта Осиё», ТошДУ тарих факультетининг декани, тарих фанлари доктори, профессор Г. А. Ҳидоятов «Ленинча социалистик революция назариясини бузиб кўрсатувчи буржуа олимларнинг инқирози» темаларида докладлар қилдилар.



За революционную деятельность в Петербурге Ленин был арестован (1895 г.) и после 14 месяцев, проведенных в тюрьме, выслан в Восточную Сибирь на 3 года. В Шушенском с ним была такие сосланная Н. К. Крупская — жена, верный друг, помощник.

В. И. ЛЕНИН Петербургдаги революцион фаолияти учун 1895 йилда қамоққа олиниб, 14 ой турмага қамаб қўйилганидан сўнг, 3 йил муддатга Шарқий Сибирга сургун қилинди. Бу ердаги Шушенское қишлоғига Н. К. Крупская ҳам келади.

Суратда: 1898—1900 йилларда Шушенскоеда доҳий яшаган уй.



МОСКВА. «Художественная литература» нашриёти тайёрлаган 5 томлик нашрнинг биринчи томи «В. И. Ленин адабиёт ва санъат тўғрисида» деб аталади. Пойтахтдаги 2-босмахонада чоп этилаётган ана шу томда Владимир Ильичнинг адабиёт ва санъат масалалари бўйича ёзган мақолалари, айтган фикрлари жамланган. Суратда: янги нашрнинг биринчи томи.

Б. Корзин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ИЛЬИЧ ФАРЗАНДЛАРИ

«ЛЕНИННОМА» КОНКУРСИГА

ОНАЛИК ва болаликни ҳимоя қилиш ҳақидаги Декрет ёш Совет ҳукуматининг илк декретларидан бири эди.

1918 йилдаёқ ишчи, деҳқон ва солдат депутатлари Совети медицина-санитария бўлимларининг биринчи Бутуниттифоқ съезди ўтказилди. Катта анжуманда инқилобгача саломатликка катта хавф туғдириб келган болалар сили, шу жумладан суяк-бўғим касаллигига қарши кураш, даволаш муассасаларини ташкил этиш ва болаларнинг соғлиқларини тиклаш билан бир вақтда ўқишлари учун барча шароитни яратиб бериш, ёш авлоднинг ҳар томонлама камолотини таъминлашга алоҳида тўхталиб ўтилди.

ЯҚИНДАГИНА югуриб юрган Зайнабнинг икки оёғи бир томонга қийшайиб қотиб қолди. Сабаби оёқ сон косаси бузилиб болдирсуякни ушлаб тура олмаган. Қизчанинг аъзойи бадани қақшар, оёғини сал қимирлатса санчиқ пайдо бўларди. Ранги бўзган сари синиқиб, овози сўникарди. Оғриқ яна зўрайди. Инграб ёнбошига ағдарилмоқчи бўлди, лекин мажоли келмади. Тепасида илҳақ ўтирган она шошилиб ўрнидан турди. Яна жигаргўшаси ёнига тиз чўкди.

— Қизим, Зайнабжон, оғрияптими, нима олиб берай...

Зайнаб онасига нурсиз кўзларини тикди. Унинг нигоҳида бир олам аянч. Термулган кўзлар онадан мадад сўрарди. У гўё «Онажон, азобда қолиб кетдим-ку, қандоқ чидай, нажот беринг. Она, онажон» деяётгандай эди.

Онаизорнинг эзилган қалби дош бера олмади. Кўзларига ёш сизиб чиқди.

— Онаси, нариги хонага киракол, — Рашид ака босиқлик билан унинг икки елкасидан тутиб эшикка кузатди. Эшик ёпилди-ю, онанинг бўғзига тиқилган мунг ичи-ичидан отилиб чиқди. Нариги хонадан анчагача ўксик овози эшитилиб турди.

Зайнабни Тошкент шаҳри чеккасидаги Н. К. Крупская номли санаторийга олиб келишди. Қизчага оқ халатли врачлар гўё ҳозироқ оғригини қолдиришадигандек, уни, ўрнидан турғазиб юргизиб юборишадигандек туюларди. Лекин чеккан азоблари яна умидсизликка тортар, бир умрга шундай қолиб кетадигандек даҳшатли туйғу қалбини эзарди. Наҳотки энди ўртоқлари билан югуриб юра олмаса, мактаб қўнғироғини эшитиб дугоналари билан синфга чопқилаб кирмаса, баҳорда толбаргак тақиб катта ариқ бўйида ўйнаб-кулолмаса...

У ҳар қандай операцияларга, уколларга ҳам тайёр, фақат соғайса бас. Мурғак қалбида минг хил фикрлар ғужғон ўйнарди. Пайдо бўлган умид учқуни назарида музлаб қолган умидсизлик гирдобида аёвсиз олишарди.

Зайнабни операция қилишди. Орадан ойлар ўтди. Оғир кунлар ортда қолди. Ниҳоят гипсни ҳам ечишди. Биз ўша дамларда палатага кирганимизда Зайнаб Рашидова юра бошлаган эди.

Палатада, оёғи, қўли, бели гипсланган болалар ётишибди. Кўз олдингизга келтиринг-а? Уларни ҳам Зайнаб Рашидова каби оёқлари қийшайган, қайрилиб қолган суяклари парчаланган ҳолда олиб келишган. Бундай касалларни даволашга бир-икки ой эмас, баъзан бир неча йиллар керак бўлади. Врачлар, ўқитувчилар, тарбиячилар, ҳамширалар кеча-кундуз уларнинг ҳузурида.

— Бизда суяк билан боғлиқ жисмоний камчилиги бўлган болалар ҳам даволанади, — дейди санаторий директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Ҳалима Юсупова, — ўсимтали, букр бўлган болалар операция қилинади. Қарабсизки, орадан бир неча ой ўтгач, хушсурат йигит-қизлар бўлиб соғайиб кетишади. Атрофингизга бир назар ташланг-а, кейинги вақтларда бундай жисмоний камчилиги бор одамларни деярли учратмайсиз. Бунда республика миқёсида иш олиб бораётган коллективимизнинг ҳиссаси катта.

Қаранг-а, баъзан ҳаётдаги ўзгаришларни сезмай қоласан. Бу мўъжиза эмасми. Ҳозир мазкур даволаш даргоҳида Илизаров усулида беморнинг оёқлари тенглаштириб қўйилади. Фақатгина йигирма сантиметргача ўстириш мумкин. Шунинг ўзи мисоли бир эртак эмасми!?

Бу ерда ажойиб врачлар коллективи ишламоқда. Йигирма нафар врач биринчи ва олий категорияли, беш шифокор фан кандидати. Санаторийда катта илмий ишлар олиб борилмоқда. Айниқса олим Э. Каплан бошлиқ бир группа врачлар даволашнинг қатор янги усулларини ишлаб чиқишди. Кейинги вақтларда санаторий антибактериологик хирургия йўли билан даволаш туфайли беморларнинг нисбатан икки-уч ой олдин тузалиб кетишларига эришилаяпти.

Санаторий чор атрофи гўё эртаклардаги каби эрам боғига ўхшайди. Олти гектарлик боғ дарвозасидан киришингиз билан икки четда игна баргли дарахтлар, турна қатор тизилган асфальт йўл сизни даволаш корпусларига етаклайди. Икки томондаги олмазор ёнғоқзорга, олхўризор эса олчазорга алмашиниб боради. Йўл кўтарилиб бориб улкан чинор олдидан бурилади. Шу ерда санаторийнинг «Сув, ҳаво, қуёш биз учун» услубида қурилган тўрт қаватли биноси қад кўтарган.

Баландликка жойлашган санаторийга эрта тонг шамоли Чимён тоғининг соф ҳавосини уфуриб туради. Беморлар баҳордан кузгача кенг боғдаги азим тут дарахтлари остидаги павильонларда яшашади.

Инқилобгача қанчадан-қанча болалар шу хавфли касаллик туфайли бир умрга мажруҳ бўлиб қолардилар. Ҳозир ҳатто табиатнинг инсон гавдасидаги хатосини ҳам мутахассис врачлар қайта тиклаб тузатишаяпти.

Келажак авлод — болалар ҳақида бундай ғамхўрликни Ленинбобо ихтиёр қилган эдилар. Инсон доимо соғ-саломат, ички ва ташқи олами гўзал бўлиши деганлар.

Бундан бир неча йил илгари санаторийнинг 50 йиллик тўйи нишонланганда тарих саҳифалари яна варақланди. Ўша оғир **20-йилларда Тошкентда В. И. Ленин номли фонддан болалар санаторийси барпо этиш учун 25 минг сўм ажратилди. Луначарское посёлкасидан бир неча чақирим нарида хушманзара баҳаво ерда маскан белгиланди. Ҳозир эса шифохонанинг бир йиллик бюджети 11 миллион 764 минг сўмни ташкил этади.** Бу хилдаги касалликлар профилактикаси кенг доирада олиб борилиши туфайли республикамизда у бир неча юз баробарга камайди.

Халқ хўжалиги қийин йилларни бошидан ўтказарди. Шундай вақтда Владимир Ильич болалар соғлиги, ўқиши ҳақида башорат қилди.

Москвада, Сокольникида 1918 йил биринчи ташкил этилган болалар суяк сили касалликлари мактаб-санаторийсининг чорак асрлик юбилейи ўтказилганда В. Д. Бонч-Бруевичдан келган мактубда шундай жумлалар бор эди: «...**Владимир Ильич маъқуллаган ва доимо сўраб-суриштириб турган хайрли ишга озгина бўлса ҳам ҳисса қўшиш шарафига муяссар бўлганим учун ҳам бахтлиман...**».

Йиллар ўтди. Тошкентдаги санаторийга Н. К. Крупская номи берилди. Санаторий боғи, биноси, ҳамма яратилган шароит болаларга Ленинбобо ғамхўрлигидир. Бу ерда шифо топиб, ҳозир олий ўқув юртларида ўқиётган, корхоналарда ишлаётган ишчи хизматчилар, бунёдкорлар, олимларнинг бахтли ҳаёти эса доҳий васиятларининг умри боқийлигидан далолатдир.

Шу ўринда санаторийда даволаниб чиққан бахтиёрларнинг хатлари, телеграммалари, ташаккурномалари, эсдалик альбомига ёзилган дил сўзларидан намуналар келтириш, жоиздир.

«Миннатдорлик саломи!

Ассалому алайкум ҳурматли ва меҳрибон врачларим.

Мен санаторийда икки йил даволандим. Биринчи-иккинчи синфни битиргунимча юра олмасдим. Сизлар туфайли саломатман. Умрбод раҳмат. Ўз ишларингиз билан қанча-дан-қанча болаларни бахтли қилиб юрибсизлар.

Қизингиз Назира МАЪМУРХОНОВА.

Поп райони, Чодак қишлоқ Совети».

Яна бир мактуб:

«Сизнинг олтин қўлингиз, мусаффо қалбингиз, оналарча меҳрибонлигингиз, даволаш усулларингизнинг самаралилиги туфайли ўғлим яна оёққа турди.

Г. КРАЙНОВ».

Тарих фанлари кандидати А. Юнусов ўзи ҳам, қизи ҳам шу ерда даволанганини айтиб даво, билим ва тарбия учун чуқур миннатдорчилик билдирган.

Мактублар, телеграммалар сон-саноқсиз. Ҳаммасида дил сўзлари баён этилган.

1918 йил медикларнинг биринчи съездида болаларни даволаш билан бирга уларнинг ҳар томонлама камолотини таъминлаш башорат қилинган эди. Бугун янилоб ғоялари тантана қилмоқда. Бу ерда ҳамма болалар тўгаракларга боришга олмайди. Лекин меҳрибон тарбиячилар, меҳнат бўйича инструкторлар уларнинг ҳузурида хизматда.

Биз тўгарак хоналарида беморларнинг солган расмлари, нақшлари, ёғочдан, акация уруғидан ясаган, қўлда тиккан турли манзараларни кўриб ҳайратда қолдик. Улар болаларнинг ҳаётга ошиқликлари, қизиқишлари, ўй-орзулари, порлоқ келажакларини ифодалайди.

Ўрмон ўртасида мовий кўл. Сув бўйидаги ўриндиқда костюмчанг ўтирган Владимир Ильич бағрида жажжигина қиз, ёнида савол бераётган болакайга жавоб қайтармоқда. Владимир Ильич болалар боғчасида, жажжи эркатойлар даврасида.

Хонанинг ўнг томонида В. И. Ленин музейи Тошкент филиалининг макети жуда ўхшатиб, чиройли ясалган. Уларнинг ҳаммаси болаларнинг ўз қўлларидан чиққан.

Фарзандлар доҳий васиятига содиқ қолиб қаҳрамонлик йилномаларини давом эттиришга доим тайёрлар. Деворга осилган «Аврора» сурати, болалар яратган доҳий сафдошларининг портретлари бу садоқатнинг рамзидир.

«Пионер — қаҳрамонлар» бурчагида ёш қаҳрамонлар ҳақидаги материаллар билан танишиш мумкин.

Санаторийда ижодий конкурслар ҳам ўтказиб турилади. Уларнинг якунлари эса қалин альбомларда акс этган. Олранг альбом тепасига шундай сўзлар битилган: «Биз Ленин васиятларини ёдда тутамиз. Билимсиз коммунизмни қуриб бўлмайди».

Ильич фарзандларга жилмайиб боқиб турибди. Болалар эса, «Сизга таъзим Ленин бобо», дейдилар дилдан.

Б. ПУЛАТОВ.

ЛЕНИН ВА МУЗИКА

МУЗИКА — тинчлик учун, Ер юзидаги барча халқларни ҳурмат қилиш учун ёрдам берадиган маънавий китобдир.

Д. Б. КАБАЛЕВСКИЙ.

ҲОЗИРГИ жамиятимизни китобларсиз, музикасиз ёки театрсиз ё бўлмаса кинофильмларсиз тасаввур қила олмаймиз. Доҳиймиз В. И. Лениннинг ҳаётида санъат катта ўрин тутган бўлиб, музикага қизиқиш унда жуда эрта уйғонган эди. Ульяновлар оиласида музикани жуда севишар. Володя опа ва укалари билан бирга ўтириб музика тинглар, биргаликда қўшиқ айтишарди. У, айниқса А. Верстовскийнинг «Аскольдов қабри», А. Доргомижскийнинг «Тўй» романси, Ш. Гунорнинг «Фауст» операсидаги арияларни жуда ёқтирарди. Язиковнинг «Сузувчи» қўшиғини эса синглиси Ольга билан жўр бўлиб куйлашарди.

Владимир Ильичнинг онаси — Мария Александровна яхши музикачи бўлган. Отаси — Илья Николаевич Ульянов ҳам музика ва ашулани жон-дилидан севарди. У оилада ва ўзи раҳбарлик қилган мактабларда ҳам болаларга музика таълимини ўргатишга катта эътибор берарди. Шу туфайли ҳам Ульяновлар оиласида деярли ҳамма болалар рояль чалишни билишарди.

Володя онасининг чалаётган куйини ниҳоятда диққат билан тингларди. Мария Александровнанинг хотираларида айтилишича, Володянинг музикага бўлган қобилияти бошқа болаларга қараганда жуда яхши бўлган. Саккиз ёшлик Володя ҳеч қийналмасдан фортепьяно учун ёзилган кичик енгил пьесаларни чалар, ҳамда тўрт қўл учун ёзилган асарларни онаси билан ёки опа-сингиллари билан биргаликда ижро этар эди. Мария Александровна ҳамма болаларни хор бўлиб ашула айтишга ўргатарди. Бундай пайтларда Владимир Ильич синглиси — Ольга Ильинична жўр бўлган ҳолда ашула айтарди.

Владимир Ильич сургунда ва чет элларда сафдошлари билан «Замучен тяжелой неволей», «Дубинушка», «Смело, товарищи, в ногу», «Рабочая Марсельеза», «Вы жертвою пали», «Варшавянка» каби революцион қўшиқларни севиб куйларди. Айниқса, социализм ғояларини тарғиб этувчи революцион гимнлар, музикасини немис ишчиси Пьер Дегейтер яратган, текстини эса — француз шоири Эжен Потье ёзган «Интернационал»ни Владимир Ильич жуда севган ва эъзозлаган қўшиқлардан эди. Негаки, бу гимнда пролетариатнинг шиор ва талаблари, ғоя ва кураш мақсадлари очиқ ва мардона айтилганди: «Қурамиз биз янги дунё, шунда тенг бўлиб яшагай барча» деб қўшиқ айтишарди инқилобчилар.

Владимир Ильич ўзи севган опералардан бири — П. И. Чайковскийнинг «Пиковая дама»сидаги «Мен сизни севаман, беҳад севаман, бир кун ҳам сизсиз яшай олмайман...» деган ария бўлиб уни кўпинча ҳуштак чалиб хиргойи қилиб юрарди. Доҳий билан бирга муҳожирликда яшаган ўртоқларнинг ёзишича, у ҳар қандай ишни ташлаб бўлса ҳам музика эшитиш учун вақт топар эди. Айниқса, Владимир Ильич П. И. Чайковский асарларидан жуда завқланарди. У М. Ульяновага Лондондан ёзган хатида: «Яқинда, бу қиш биринчи мартаба яхши концертда бўлдим ва айниқса, Чайковскийнинг сўнгги симфониясидан мамнун бўлдим», — деган эди.

1920 йилнинг октябрь ойи. У Горький ҳузуридан анча кеч, ҳаяжонланган ҳолда қайтиб келди, деб ҳикоя қилади Исай Добровейнинг хотини Мария Альфредовна.

— Нима бўлди? — хавотирланиб сўрадим ундан.

— Алексей Максимович ҳузурида кимни учратганимни биласанми? Йўқ, айтсам, ишонмайсан — Ленинни!...

Довдираб қолдим. Ҳали-ҳали ўзимга кела олмайман. Горький мени роялга таклиф этди, уларга кўп нарсаларни, охирида эса «Аппассионата»ни чалиб бердим. Ленин креслода ўтириб музикага диққат билан қулоқ соларди, унинг ҳаяжон билан тинглаётганини сезиб турдим. Ўзим ҳам бу куйни умримда шунчалик илҳом билан чалмаган бўлсам керак. Тамомладим, аммо хонада сукунат ҳукмрон эди. Бир дақиқа давом этган жимжитликдан сўнг, Ленин ўрнидан кескин туриб олдимга келди ва қўлимни қаттиқ сиқиб, «Аппассионата»дан зўрроқ асарни тингламаганман, уни ҳар куни эшитсам ҳам зерикмайман...» деди. Ҳайрлашаётганимизда Владимир Ильич бундан олдин ҳам 1912 йилда Парижда менинг концертимда бўлганини айтди.

Л. Бетховеннинг «Аппассионата»сининг мазмунини зулм ва жаҳолат кучларига қарши ғоят кескин кураш ғояси ташкил этади, бу кураш эса тўла стихияли қудратга эга. Бу музика, унда ифодаланган туйғу, фожиали образлар, фалсафий умумлаштиришлар кучи билан ҳайратда қолдиради. Сонатада ёмонликка қарши яхшилик ва ёркин истаклар учун кураш энг умумий тарзда ифодаланган.

Н. К. Крупская ўз хотираларида Владимир Ильич 1918 йилнинг сентябрь ойида Свердлов залида Пятницкий хорининг концертини эшитгани боради, концерт унда катта таассурот қолдиради. Эртаси куниёқ у Пятницкийни кабинетига чақириб, хорнинг келажаги тўғрисида суҳбат қилади, унга қандай ёрдам керак бўлса берилажагини айтади. Ҳозир В. И. Лениннинг квартирасида хор қатнашчиларининг Пятницкий билан тушган расми сақланмоқда. Бу суратни доҳийга совға қилишган эди.

1919 йил Октябрда В. И. Ленин ҳалок бўлган коммунист Гурьевичнинг фавқулодда музика истеъдодига эга бўлган ўғлини 18 ёшгача таъминлаб туриш ва музика маълумоти бериш учун Маориф Халқ комиссарлигининг зарур миқдорда маблағ сарфлашига рухсат берилишини илтимос қилади.

Бу фактларнинг ҳаммаси Владимир Ильичнинг санъатга чуқур қизиққанлигини ҳамда ёшларни санъат асарларини чуқур тушунишга, унинг тарихини ҳар томонлама ўрганишга чақирганлигини кўрсатади.

В. И. Ленин музиканинг қудратига, кишига ором, бир олам завқ бериб, курашга, меҳнатга илҳомлантирувчи кучига ишонарди. Чунки музика доҳийнинг революцион фаолиятида қудратли кураш қуроли бўлиб хизмат қилди. Улуғ Октябрь инқилоби ғалабасининг биринчи кунларидан бошлаб В. И. Ленин социалистик музика санъатининг ривожланиши учун тинмай ғамхўрлик кўрсатди.

Х. РУЗМАТОВ,
Н. К. Крупская номидаги Тошкент педагогика билим юртининг музика ўқитувчиси.

КОММУНИСТЛАР ИШБОШИ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ТУН бўйи толлар баргагини эринмай ювган ёмғир тонг ёришганда тинган, кўзидан ўт чақнаган баджаҳил булутлар ҳам «жанг» қилиб чарчаб, ўз қилмишидан уялгандай қаерларгадир яширинганди. Тоғ ортидан бош кўтарган баҳор офтоби барра ўтларнинг ҳарир, дов-дарахтларнинг нозик япроқчаларида илиниб қолган беҳисоб марварид томчиларда чарақлаб аксланди.

Эгат бошида ишга шай турган яп-янги трактор ҳам қуёш нурида ажиб ярақлаб турарди. Бу — Турлибек Указовнинг пўлат оти. Куни кеча ўтказилган экиш агрегатлари экипажларининг район мусобақасида иккинчи мукофотли ўринни олди. Коммунист механизаторнинг ишига, маҳоратига юқори баҳо берилди. Тажрибали пахтакор ўз агрегатини ҳам совхозда биринчи бўлиб далага олиб чиққан эди. Экишнинг сўнгги куни у 10 гектардан ортиқ ерга чигит ташлаб, хўжаликда энг юқори суръатга эришди.

... Турлибек ака этигига илашган лойини тепкилаб тушириб, трактори рулига ўтирмоқчи ҳам эдики, дала йўлидан тез елиб келаётган бош агроном машинасига кўзи тушиб тараддудланди.

— Ҳозир далага кирмоқчимисиз, Турлибек ака? — деди машинадан тушиб, у билан қўл олиб кўришаркан бош агроном Омон Ковшутов.

Турлибек ака унинг нима демоқчи эканини тушуниб турарди.

— Ер лойқу, демоқчисизда. Далага кириб кўрдим, тўғри, усти бироз намиққан. Аммо таги қуруқ. Ҳали замон офтоб қиздириб берса, оби-тобига келади-қолади. Сўнг экишни яна бошлайверса бўлади.

Бош агроном механизаторнинг гапидан қаноат ҳосил қилган бўлса-да, одатига кўра этиги қўнжига доим солиб юрадиган газчўпини олиб далага йўлланди. Сўнг ўша ердан туриб Турлибек акага деди:

— Тушларга бориб бошлайверса бўлади!

Совхоз бу мавсум 3330 гектар майдонга чигит ташлади. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида гектаридан камида 37 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш мажбурияти олинган. Бу — планда белгиланганидан 4,5 центнер кўпдир. Ҳа, улкан хўжалик учун бу жуда катта марра.

Хўш, совхознинг азамат «оқ олтин» миришкорлари, ҳар жабҳада иш боши, ташаббускор коммунистлар бу юксак маррани қандай эгаллашмоқчи? Аввалом бор, ҳар бир хайрли иш, катта юмуш унга ҳар томонлама пухта тараддуд кўришдан бошланади. Бу ерда ҳам ана шундай йўсинда иш тутилди. Ўтган йил куздаёқ экин майдонлари ҳосилдан бўшаши билан пешма-пеш ўғитланиб, чуқур шудгорланди. Совхоз коммунистлари қиш мавсумида ҳам меҳнат вахтасида туриб ишлаш ташаббуси билан чиқдилар. Аниқ ишлаб чиқилган тадбирлар плани асосида фаолият кўрсатилганлиги туфайли февраль бошларидаёқ барча суғориш шохобчалари барвақт тартибга келтириб қўйилди, техника ремонти муддатидан олдин тугалланди. Янги ерлар ўзлаштириш ва эскиларини кенгайтириш юзасидан, айниқса катта ишлар амалга оширилди. Қарийб 22 гектар қўшимча ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Хўжалик бўйича 700 гектар ер қайтадан текисланди, мелиоратив ҳолати яхшиланди. Кунлар илиши биланоқ ерларга ишлов берилди. Далаларга 34 та борона чиқарилди.

— Кўкламга пухта тайёргарлик кўрганимиз туфайли, — дейди суҳбатда совхоз бош агрономи Омон Ковшутов, — энг қулай агротехника муддатларида маккажўхори экишни тугаллашга муваффақ бўлдик. Саккиз агрегат билан 260 гектарга дон учун маккажўхори экилди. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, бу йил маккажўхори майдонларида катта тажриба ўтказаяпмиз. Карталарга макка билан бир вақтнинг ўзида лавлаги ҳам қўшиб экилди. Хуллас, бу мавсум бир майдоннинг ўзидан ҳам дон, ҳам лавлаги ҳосили йиғиштириб олинади. Гектар бошига 90 центнердан дон, 500 центнердан лавлаги хирмони кўтарамиз. Сўнгра эса, ҳосилдан бўшаган майдонларга силос учун қайта яна маккажўхори экамиз. Бу билан гектарлар самарадорлиги янада ортади.

Шу нарса диққатга сазоворки, дон ва лавлаги уруғи экишга сеялкаларни механизаторларнинг ўзлари қайта мослашди. Айни бир вақтда бу экиш агрегатлари билан ерга ўғит солиб, гербицид ҳам сепиб кетилди. Бу ўринда коммунист механизаторлардан Север Райетов, Бозор Аҳмедов, Норин Байрамқиличев, Меҳмонқул Бобожонов, Акром Отабоев, Зиёдулла Худойбердиев ва Михаил Ковечниковлар ғайрат қилишди.

— Совхозимизда чигит экиш қизғин олиб борилди. Бу ўзига хос сиёсий кампания, айниқса коммунистларимиз зиммасига алоҳида масъулият юкланди, — дейди совхоз партия комитетининг секретари С. Чегабоев. — Шу туфайли партия комитети ўз активлари билан узвий ҳамкорликда мавсумга пухта тайёргарлик кўрди. Жойларда оммавий-ташкилий, ғоявий-сиёсий ишлар кучайтирилди.

Цех партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) ва ноябрь (1979 йил) Пленумлари қарорларини ўрганиб чиқишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди, 1980 йил учун олинган план ва мажбуриятлар муҳокама қилинди. Район партия комитетининг тавсияси билан дала меҳнаткашлари ўртасида ғоявий-сиёсий ишларни янада кучайтириш мақсадида агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ва дала шийпонлари мудирларининг семинарлари ўтказилди. Мусобақага раҳбарлик қилиш, экишда сифатни таъминлаш ва далада ишловчилар учун маданий-маиший шароитларни муҳайё этиш юзасидан тегишли тадбирлар белгилаб олинди.

Катта ҳайрли ишларга даъватланган совхоз дала меҳнаткашлари ғайрат камарини белга маҳкам боғлашди. Коммунистлар бошчилик қилаётган юқори ҳосилли бригадаларда суръат юқори бўлди. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Сайфиддин Қўшмуродов, Босим Абдуқодиров, Михаил Ковечников ўртоқлар бошлиқ 50—40 центнерчи илғор бригадаларда кунда ҳар бир агрегат билан 10 гектар ва ундан ҳам ортиқ майдонга барака уруғи қадалди.

Совхоз далаларида 56 та агрегат жавлон урди. Уларнинг кўпини коммунистлар бошқаришди. Режалаб қўйилгандек экиш ғоят қисқа иш кунида тугалланди.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
«Оққўрғон» совхози.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ҚУРАМИЗ—БАРВАҚТ ЎЗЛАШТИРАМИЗ!

ҒАЙРАТ ВА ТАЖРИБА САМАРАСИ

ТЯНЬ-ШАНЬ тоғ тизмалари этагидаги навқирон шаҳар Олмалиқ химия заводининг биринчи навбати белгиланган муддатидан бир йилу саккиз ой илгари, иккинчи навбати — бир йил илгари барпо этилди. Заводнинг учинчи навбати 1978 йилнинг охирида маҳсулот бера бошлади, кейинги йилнинг ёзига келиб эса лойиҳадаги қувватни эгаллади. Йилига 853 минг тонна концентрацияланган ўғит ишлаб чиқарияпти!

Завод директори СССР Олий Советининг депутати Қ. Содиқов билан бирга аммофос-2 цехи ёнида тўхтадик, корпуснинг ичкарисида пайванд учқуни кўтарилиб, металл жаранглаб турибди.

— Буғлаш вакууми аппаратини алмаштиряпмиз, газнинг учинчи тозалаш даражасини жорий этяпмиз, — деб изоҳ беради Қурбон Ғуломович. — Химия заводининг тўртинчи навбатини қура бошладик. Бу ерда кислота ишлаб чиқариш билан чекланамиз. Кислотани ишлаб турган цехлар аммофосга айлантиришади. Бунинг учун иккинчи навбатни реконструкция қиляпмиз. Вақтдан ютиб чиқиб, қувватларни оширамиз, келгуси беш йиллик учун зарур замин яратамиз.

Олмалиқ химия заводи Қоратов фосфатларидан юксак даражада концентрацияланган ўғит ишлаб чиқарадиган биринчи корхона бўлиб, — бунинг ҳаммаси янгилик эди. Иккинчи навбат корхона сабоқларини ҳисобга олиши керак эди. Олимлар, лойиҳаловчилар ва корхонани ишлатувчиларнинг ижодий ҳамкорлигида янги ишлаб чиқариш технологияси яратилганлиги табиийдир. Учинчи навбатга киришиш вақти келди — Қоратовда юқори сифатли фосфат хом ашёси қазиб олиш камайиб кетди ва ишлаб чиқаришда паст навли маъданни ишлатиш вазифаси кўндаланг бўлиб қолди. Хом ашёнинг ўриндошлари эндиликда йирикроқ бўлиши, алоқа йўллари чинакам йўлга қўйилиши керак эди, аппаратчиларнинг ташвишлари ортди. Бироқ, биз учинчи навбат ҳам муддатидан илгари ишга туширилганлиги ва ўзлаштирилганлигини яхши биламиз. Завод ўнинчи беш йиллик мобайнида планга қўшимча равишда 263 минг тонна ўғит етказиб бериб ўз тармоғидаги энг йирик корхоналар орасидан ўрин олди.

Қурувчиларга илмий институтлар ва машина-ускуналар етказиб берувчи корхоналар ёрдамга келишди. Қурилишда пайдо бўлаётган проблемалар ўша жойнинг ўзида зудлик билан ҳал қилинди. «Уралгипрохим»дан келган лойиҳаловчилар чизмаларни муддатидан илгари тайёрлаб беришди. Ўзларининг қурилишдаги авторлик назоратини эса қурувчиларга фаол ёрдам кўрсатишга айлантиришди. «Уралхиммаш», Пенза ва Суми машинасозлик заводлари учинчи навбат учун зарур бўлган асосий машина-ускуналарнинг ҳаммасини бутлаб жўнатишди. Шунга қарамай ҳал қилувчи масалани рўёбга чиқариш завод қурувчилари ва ундан фойдаланувчилар зиммасида, республиканинг зиммасида қолаверди. Бош пудратчи — «Алмаликсвинецстрой» трестига шаҳарлар ва водийлардан қурувчиларнинг комсомол отрядлари ёрдамга оқиб кела бошлашди. Қурилиш майдонида республика штаби вужудга келди, республика газеталарининг кўчма редакциялари иш кўра бошлади. Ҳамма заводнинг маҳсулотини пахта далалари кутиб турганлигини, қурилиш зарбдор қурилиш, унга ёрдам бериш кераклигини билар эди. Завод учун зарур бўлган ностандарт машина-ускуналарни ким тайёрлаб беради деган масала кўндаланг бўлиб қолган вақтда Фарғона, Чирчиқ, Навоий шаҳарлари «лаббай», деб жавоб бердилар. Қувватларни жадал ишга тушириш ва ўзлаштириш йўли ўзининг ижобий натижасини берди.

Тошкентдаги чинни заводининг цехларини айланиб юрганингда дафъатан кўзга шу нарса ташланади: ҳамма жойда — қолиплаш, пардозлаш, пиширтиш аппаратлари ёнида гул солиш, қабул қилиш ва жўнатиш учун идишларга жойлаш линияларида ёш қиз-жувонлар, деярли ҳаммаси ўзбек қиз-жувонларидан иборат ишчиларни кўрасиз.

— Бизнинг уйимиз жуда яқин, ўқиган мактабимиз ҳам шу ердан кўриниб туради, — дейди менга чиннига гул солувчи Дилбар Орифжонова.— Бу ердаги кишиларнинг кўпи заводга мактабни битирибоқ келишган. Менинг сингилларим Зумрад ҳамда Муяссарларнинг омадимиз келди — ҳаммамиз гул солиш цехига кирдик.

Қолиплаш цехида ишловчи Нурия Аҳмедованинг омади ҳам ўзига хос моҳият касб этди. У ишлаб турган дастгоҳлар ёнида у билан ёнма-ён ўғиллари Абдулҳақ, Дилмурод, Дилшод, Қаюм ва Ришотлар ишлашади. Аҳмедова завод остонасига қадам қўйган вақтда, бунга эса 17 йил бўлди, фақат биргина бир шпинделли дастгоҳлар линияси, камера қуритгичлари, юмалоқ шаклдаги ҳумдонлар бор эди. Йилига атиги бир ярим миллион дона буюм ишлаб чиқарилар эди. У шанба кунлари иш қандай қизғин тус олганлигини эслайди. «Аввал цех ёнида корпус қад кўтарди. Маррани 3 миллион дона буюмга етказдик, сўнгра яна бир корпус қурдик. 8 миллион дона буюм берадиган бўлиб қолдик».

— Реконструкция қилишда, — деб ҳикоя қилади директор А. Иброҳимов, — ишчи ва мутахассисларнинг ҳаммаси қатнашди. Кўпгина мароқли таклифлар, ноёб техникавий ечимлар ўртага ташланди. Янги қувватлар ишга туширилди ва ишлаб чиқаришни бир соат бўлса ҳам тўхтатганимиз йўқ.

ИККИТА янги цех қурилиши ва эски цехлар қайтадан планлаштирилиши билан чинни идиш ишлаб чиқарадиган асосий корхона автоматлаштирилган линияларга ва энг янги машина-ускуналарга ўтказилиб, транспорт конвейерларининг ягона системаси яратилди. Завод аввал йилига 25 миллион дона, сўнгра эса реконструкциянинг сўнгги босқичи тугаллангандан кейин орадан энг кўпи билан ўн ой ўтиши билан пировард маррани эгаллаб 31 миллион дона буюм ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

— Эндиликда эса, — деб сўзини давом эттирди директор, — маҳсулот ҳажмини икки баравардан зиёдроқ кўпайтирамиз. Шундай қувватга эга бўлган янги заводни барпо этиш учун қанча маблағ ва вақт керак бўлар эди!

Чинни заводини реконструкциялашни ҳаётнинг ўзи тақозо этди: унинг маҳсулотига бўлган эҳтиёж йил сайин орта борди. Чиннисозлик саноатининг энг янги муваффақиятларини ўз ичига олган реконструкциялаш лойиҳасини керамика илмий тадқиқот институти қисқа муддатда яратди, ишлаб чиқариш технологиясини ГПИ-3 коллективи ишлаб чиқди. Қурилиш технологиясини «Узгипротяжпром» таклиф қилди. Яна шу нарса ҳам муҳимки, лойиҳа муаллифлари асосий машина-ускуналарнинг ностандарт ва ўзига хос жиҳатларини яратишга чизмаларни барвақт тайёрлаб беришди.

КОММУНИСТИК РАЙОНИДАГИ СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОЛХОЗ БИОЛАБОРАТОРИЯСИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

ФОЙДАЛИ КУШАНДАЛАР

● ЙИЛИГА 70 МИНГ СУМ ТЕЖАЛАДИ ● ҚИШЛОҚЛАР ҲАВОСИ МУСАФФО, БЕГУБОР ● МУТАХАССИСЛАРНИНГ ТАКЛИФ ВА МУЛОҲАЗАЛАРИ ● ЗАҲАРЛИ ДОРИЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШ ЙЎЛИДАН

Ташқарида ёмғир шивалайди. Нохуш ҳаво этни жунжитади. Лабораторияда эса мутлақо ўзгача фасл. Хоналарга осиб қўйилган иссиқлик ўлчагичларда ҳардоим бирдек, 25—27 рақамлари. Шундай бўлиши ҳам керак. Чунки, бу ердаги кўз илғаб-илғамас майда ҳашаротларнинг яшовчанлиги учун ана шундай табиий иқлим зарур бўлади.

Биолаборатория мудири Вениамин Ли билан хоналарни айланамиз. Озодалик, саранжом-саришталик, сокинлик кишига хуш ёқади. Қайси хонага кирманг, тоза ювилган поллар ялтирайди. Керакли асбоб-ускуналар тартиб билан жойлаштирилган. Хуллас, бу ерда ўз касбининг усталари, шу соҳага астойдил меҳр қўйган мутахассислар шуғулланаётгани яққол сезилиб турибди. Катта лаборант Виктор ва лаборант Татьяна Кимлар ситотрога ва трихограмма ҳашаротларини кўпайтириш жараёнларининг давом этишини синчковлик билан кузатиб борадилар.

Лаборатория шароитида фойдали трихограмма ҳашаротини кўплаб етиштириш жуда мураккаб ва масъулиятли ишдир. Бунинг учун аввало, ситотрога, яъни дон куяси тухумини кўпайтириш керак бўлади. Мутахассислар ситотрогани кўпайтиришда арпа донидан фойдаланишади. Керакли миқдорда ажратиб олинган арпа махсус қозонлар (автоклав қурилмаси)да буғланиб, турли зараркунанда ва микроблардан тозаланади ва алоҳида хонадаги тахта яшикларга солинади. Устига ситотрога тухуми (бир килограмм дон ҳисобига бир грамм тухум) қўйилади. Ундан чиққан майда ҳашаротлар аста-секин донга ўтиб, ривожлана бошлайди ва 22—23 кун орасида ситотрога капалаклари уча бошлайди. Шу пайтда арпа яшикларидан йиғиштириб олиниб, лаборатория мутахассисларининг ўзлари ихтиро қилган бокслларга қўйилади. Бир ой давомида капалаклар тухум қўйиб бўлади. 100 килограмм арпа ҳисобига 600—800 грамм ситотрога тухуми олинади. Унинг бир қисми яна буғланган арпа донига қўйилиб, тухум олиш жараёни давом эттирилади. Асосий қисмидан эса трихограмма олинади.

Бу тухум уч литрли шиша идишларга 10 граммдан ўлчаб солинади ва унинг ичига 2 грамм трихограмма капалаклари қўйиб юборилади. Капалаклар ситотрога тухумларини заҳарлайдилар ва ўз тухумларини қўйиб, тез кўпайдилар. Янги капалаклар уча бошлаши билан шиша идишлар пахтазорларга олиб чиқилиб, зараркунанда тарқалган ерларга қўйиб юборилади.

Ҳар йили лабораторияда 15—16 килограмм ситотрога ва 8—9 килограмм трихограмма олинаётир. Ҳосил кушандасининг кушандаси бўлган бу фойдали ҳашаротлар асосий экин майдонларида пайдо бўлаётган ҳашаротларга қарши вегитация даврида гектар ҳисобига бир граммдан 3—4 марта тарқатилмоқда.

Ҳозир лабораторияда айни масъулиятли дамлар бошланди. Ҳадемай, далаларда чигитлар унниб чиқади. Кузги тунлам, кўсак қурти каби зараркунандалар ҳам қўзғалиб қолади. Худди шу пайтда карға четлари, йўл ёқалари ва ариқбўйларнинг бўйларидаги бегона ўтлар орасига трихограмма қушандаси тарқатилиши керак. Агар бироз кечиксангиз, қишдан омон чиққан зараркунандалар илиқ ҳавода тез ривожланиб, пахтазорларга кенг тарқалиши мумкин.

— Биз кўп йиллик тажрибаларимиз асосида шундай хулосага келдикки, биолабораториямизнинг бутун фаолияти пахтазорларда мунтазам жиддий кузатишлар олиб бориш билан боғлиқдир,— дейди лаборатория мудири В. Ли.— Чунки, қайси картада қандай зараркунанда пайдо бўлганлиги, озми-кўплигини эрталик билан аниқ белгиламасак ва ўз вақтида трихограмма кушандаси тарқатилмаса, зарар кунандалар тез ривожланиб, кўпайиб кетади ва уларни йўқотиш қийин бўлиб қолади. Шунинг учун лабораториямиз ходимлари бўлган катта агроном-кузатувчи Карина Цой ва агроном-кузатувчи Алла Лидан ташқари хўжаликнинг ҳар бир бригадасида махсус инструктаждан ўтказилган кузатувчилар ажратилади. Улар ҳар куни дала кезиб, мавжуд аҳволдан бизни хабардор қилиб туришади. Натижада зараркунандалар кўпаймасдан олдин қириб ташлашга муваффақ бўлмоқдамиз.

Хўжаликнинг биология лабораторияси 1975 йили иш бошлаган эди. Ўтган йиллар давомида бу усул қандай наф келтирди?

БИРИНЧИДАН, салмоқли иқтисодий фойда кўриляпти. Илгари турли хил заҳарли дорилар сотиб олиш, ёз бўйи ғўза ва бошқа экинларга пуркаш учун йилига 100 минг сўм атрофида сарф-ҳаражат бўларди. Биология лабораториясининг бир йиллик хизмати эса хўжаликка 30—40 минг сўмга тушяпти, холос. Демак, колхозчиларнинг пешона терлари билан бунёд этилаётган маблағларнинг 60—70 минг сўми тежаб қолиниб, хўжаликнинг равнақи ва қишлоқларнинг ободончилиги учун сарфланяпти.

ИККИНЧИДАН, биологик усул табиатнинг буюк мутаносиблик қонуниятига путур етказмайди. Маълумки, табиатдаги мавжуд турли хил зараркунандаларнинг кушандаси бўлган фойдали ҳашаротлар ҳам кўп. Экинларга заҳарли дорилар билан ишлов берилганда зарарли-фойдали ҳашаротлар баравар заҳарланади. Аммо, кимёвий препаратларга тез мослашиш қобилиятига эга бўлган кузги тунлам, кўсак қурти каби зараркунандалар қайта жонланиб, кенг тарқалаверади. Фойдали ҳашаротлар ёппасига қирилиб кетганлиги учун экинларга қайта-қайта дори сепишга тўғри келади.

— Ҳосил кушандасига қарши ўз кушандаси билан курашиш — жуда ишончли усул,— дейди катта агроном Трофим Югай.— Биз буни дастлабки йилларданоқ амалий синовдан ўтказдик. Эндиликда зараркунандалар тухумдан чиқмасдан қириб ташланмоқда ва ҳосил тўла сақлаб қолинмоқда. Хўжалигимизда ҳосилдорликнинг муқим бўлиб қолганлиги ҳам шундан. Кейинги йилларда барча карталардан ўртача 38—39 центнердан хирмон кўтарилиб, халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилянти.

УЧИНЧИДАН, биолаборатория ишга тушгач, атроф муҳитни турли химикатлар билан заҳарлашга барҳам берилди.

— Бизнинг энг муҳим ютуғимиз ҳам шу,— дейди колхоз правлениеси раиси Прокофий Хаюмович Ли.— Қишлоқларимиз ҳавоси мусаффо, бегубор. Деҳқонларимиз хотиржам яшаб, меҳнат қилмоқдалар.

Раиснинг фикрини бош агроном Сусан Сергеевич Пак давом эттирди:

— Илгари тракторларга культиваторлар билан бирга осиладиган пуркагич аппаратлар бутун вегитация даврида олинмай, тахт ҳолда сақланарди. Чунки, бу пайтларда зараркунанда ҳашаротлар тез-тез ҳуруж қилиб, заҳарли дориларни кўп ишлатишга мажбур бўлардик. Оқибатда озиқ-овқат экинлари, чорва моллари заҳарланарди. Шундай кезларда колхозчиларнинг далага чиқишга кўнгиллари бўлмасди.

Умуман, зараркунандаларга қарши биологик усулда курашишнинг истиқболи порлоқдир. Бу соҳани кенг ривожлантириш, такомиллаштириш, ҳар бир хўжаликда шу усулга ўтиш йўли билан заҳарли дориларни фойдаланишдан бутунлай воз кечиш пайти келди.

Бизнингча, бу оқилона фикр. Дала заҳматкашларининг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларидан бири қишлоқ хўжалигида заҳарли дорилардан фойдаланишни камайтириб бориб, бутунлай тугатишдир. Бунинг учун барча район ва хўжаликларда биология лабораториялари ташкил этиб, ҳосил зараркунандаларини кушандаси бўлган трихограммани кўпайтиришни йўлга қўйиш лозим.

Колхоз мутахассислари бу борада ҳам бир қатор қимматли таклиф ва мулоҳазалар баён этдилар.

— Биолабораториямизда ги оддий асбоб-ускуналарни олиб ташлаб, ўрнига тўла механизациялашган линия ўрнатишни таклиф қилишяпти,— дейди колхоз раиси.— Умуман, фойдали таклиф. Бироқ, яни линия ишга тушгунча зараркунандага қарши трихограмма ҳашаротини қаердан оламиз?

Янги лаборатория тўла қувват билан ишга тушгач, йилига камида 25—30 килограмм трихограмма олинади. Бу эса ўзимиздан ташқари, яна тўртта хўжаликни тўла таъминлаш учун етади. Демак, механизациялашган линияли биолабораторияларга қуришни аввалдан пухта ўйлаб, планли асосда амалга оширган маъқул кўринади. Бизнингча, ҳар бир колхозда эмас, балки ёнма-ён жойлашган хўжаликлараро биология лабораториялари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Биолаборатория мудири Вениамин Ли бу фикрни янада чуқурлаштириб, янги усулини район миқёсига олиб чиқиш ҳусусида мулоҳаза юритди. «Кейинги пайтда зараркунандаларга қарши биологик усулда курашиш масаласи кўпчиликни қизиқтиряпти,— дейди у.— Ҳозир биолабораториягина эмас, биофабрикалар қуриш имкониятлари, унинг самараси масалалари ўрганилмоқда. Дарҳақиқат, бизнинг областимиз шароитида пахтакор районлардаги ҳамма хўжаликларни трихограмма билан таъминлайдиган марказлашган биофабрикалар қурилса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Чунки, район бўйича марказлашган биофабрикани шу соҳанинг етук мутахассиси бўлган кадрлар билан таъминлаш имконияти кўп бўлади. Винобарин, иш жараёни кўнгилдагидек давом этиб, трихограмма ҳашаротлари яшовчан бўлиб кўпаяди ва уларни қўллаш жуда яхши самаралар беради.

Хулоса қилиб айтганда, бу мутахассислар баён этган фикрлар диққатга сазовор. Мутасадди ташкилотлар бу ҳаётий муҳим масалани ҳар томонлама чуқур ўрганиб чиқиб, ягона фойдали хулоса чиқарсалар айни муддао бўлар эди. Бу иш қанча тез ҳал бўлса, шунча яхшидир.

А. ИЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбири.





«Коммунизм» колхози аъзоларн Бўка районида биринчилар қаторн чигит экишни тугаллашди. Суратларда: хўжаликда сўнгги гектар майдонларга чигит экиш пайти; ўнгда илғор механизатор О. Хасанов.

А. Тўраев фотолари.

САРА УРУҒЛИК УЧУН

Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхозида асосан уруғлик пахта ва каноп етиштирилади. Хўжаликнинг 5-бригадаси коллективи сара уруғлик етиштиришда намуна кўрсатяпти. Ўтган йили бу бригада пахтакорлари ҳар гектар майдондан пландаги 29 центнер ўрнига 38 центнердан уруғлик пахта йиғиштириб олдилар. Шунингдек, 75 гектар майдонда уруғлик каноп етиштирилиб, унинг ҳар гектаридан 3,3 центнердан ҳосил олинди.

Бригада коллективи ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектар майдондан 43 центнердан уруғлик пахта, уч ярим центнердан каноп уруғи олишга аҳд қилган. Ҳозир бригадада чигит экиш тугалланди. Механизатор М. Бердиқулов ва сеялкачи А. Норматовлар уруғлик канот экишни ҳам яқин кунларда тугаллаш учун астойдил ғайрат қилишмоқда.

Н. БОБОҚУЛОВА,
А. АБДУСАТТОРОВ.

ЛУБКОРЛАР ДАЛАГА ЧИҚИШДИ

Тошкент областининг лубкорлари каноп экишга киришдилар. Коммунистик районидаги Свердлов номли, «Ленинский путь», «Правда» колхозларининг далаларига экиш механизмлари чиқарилди. Агрегатлар Ўзбекистон луб экинлари тажриба станциясининг олимлари етиштирган серҳосил нав уруғлик билан таъминланган. «Ленинский путь» колхозидан Сергей Пак тажрибаси экиштикиш ишларида кенг оммалаштирилмоқда. Бригада бултур рекорд ҳосил етиштирган эди. Бу ерда каноп уруғи 90 сантиметр кенгликдаги қатор ораларга экилмоқда. Бу эса ўсимликларни парвариш қилиш вақтида машина-механизмлардан самарали фойдаланиш имконини беради. Бригада бу йил ҳар гектар ерда 260 центнердан каноп пояси етиштиришни мўлжалламоқда. Бу эса областдаги ўртача даражадан 65 центнер кўпдир.

Область деҳқонлари баҳорда каноп экиш учун 18,5 минг гектар ер ажратишди. Бутун майдонларда экишни 6 иш кунида ўтказиш мўлжалланмоқда (ЎзТАГ).

ДУНЁ ОВОЗИ
Чет эл хабарлари

ДЕЛЕГАЦИЯ СОЛСБЕРИГА КЕЛДИ

СОЛСБЕРИ, 16 апрель. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги Совет давлат делегацияси Солсберига келди.

Делегация Зимбабве мустақил, деб эълон қилинганлиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда қатнашади. Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни бош министр ўринбосари, Зимбабве ташқи ишлар министри С. Мзенда ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

С. Мзенда делегация билан самимий, дўстона суҳбат чоғида Зимбабвени озод қилишда СССРнинг қўшган ҳиссасига юксак баҳо берди. Жаҳондаги барча прогрессив кучларнинг, аввало Совет Иттифоқининг ёрдами Зимбабве халқига мустақилликка эришишда кўмаклашганлигини биламиз, деди у. Биз СССР билан ва бошқа тинчликсевар мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз. Тинчлик ва ҳамкорлик йўли бизга янги Зимбабвени барпо этишда ёрдам беради.

Совет давлат делегациясининг бошлиғи матбуот учун берган баёнотида СССР ва Зимбабве ҳар иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати, яъни тинчликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида дўстона муносабатларни ва ҳамкорликни ривожлантиради, — деб ишонч билдирди. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев айтганидек, бошқа қитъалардаги мамлакатлар сингари Африка мамлакатлари халқларининг орзу-умидлари фақат мустаҳкам тинчлик ва халқаро хавфсизлик вазиятидагина амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун барча тинчликсевар давлатлар ва халқлар муттасил, биргаликда куч-ғайрат сарфлашлари лозим. Совет Иттифоқи, деб таъкидлади Ш. Р. Рашидов, Зимбабве халқининг қувончи ва қонуний ҳисларига қўшилади. Сизнинг ғалабангиз — бу айни вақтда жаҳонда ирқчиликни ва мустамлакачиликни бутунлай тугатиш йўлида олиб борилаётган адолатли курашда халқаро бирдамликнинг ҳам ғалабасидир.

АҚШДА ЭРОНГА ҚАРШИ КАМПАНИЯ

ВАШИНГТОН, 15 апрель. (ТАСС). АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси З. Бжезинский Эронга нисбатан кўпол хуруж ва ҳақорат қилди, уни Американинг ҳукмронлигига бўйсунишдан воз кечанлигини учун ҳарбий куч билан «жазолаймиз» деб таҳдид қилди. Телевидение орқали эшиттирилган суҳбатида у бундай деди: Эрон ҳукумати гаровга олинган америкаликларнинг бундан кейин ҳам сақланиб туриши «Эроннинг ўзи учун тобора кўпроқ салбий оқибатларга олиб келишини тушуниши керак» Бжезинский Америкининг «миллий манфаатларини» баҳона қилиб, АҚШ ғўё «ўзини фақат тинч воситаларни қўлланиш билангина чеклаб олмайди», мақсадларимизга эришиш учун ҳозирча биз фойдаланмаган бошқа йўллар ҳам бор» деб даъво қилди. Шу билан президент ёрдамчиси ғўё Картер ҳозиргача «жуда катта сабр-тоқат» кўрсатиб келди, ғўё Эрон соҳилларига авиация ва десант қисмлари бўлган АҚШ ҳарбий кемалари кўплаб келтирилган эмас, ғўё Вашингтон Эронга қарши бир томонлама актисодий ва дипломатик чоралар кўрган эмас, деб мунофиқлик қилди.

Унинг сўзларига қараганда, Картер ҳозирги вақтда Эронга қарши «чоралар программасини амалга оширяпти, биз ўйлаймизки, бу чоралар ғарбнинг коллектив жазо чоралар кўришига олиб келади». Бундан ташқари Бжезинский оқ уй келгуси ҳафтанинг ўзидаёқ Эронга қарши бир қанча қўшимча чоралар кўриши хам эҳтимолдан узоқ эмас, деб таъкидлайди.

Президент ёрдамчиси ўз сухбатида яна Америка иттифоқчиларидан Вашингтоннинг Эронга қилаётган тазйиқини қўллаб-қувватлашни талаб қилди. «Бизга қуруқ сўз эмас, балки иттифоқчиларимизнинг реал бирдамлиги керак», — деди у. Ҳақиқатда у АҚШнинг шериклари Америка кўрсатган йўлдан боришга жуда ҳам қизиқмаётганлигини тан олди.

ЛИБЕРИЯ ҲУКУМАТИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ФРИТАУН, 15 апрель. (ТАСС). Либериянинг янги ҳукумати тинчлик учун курашувчи ҳамма мамлакатлар билан дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун барча куч-ғайратини аямайди, деди давлат бошлиғи ва мамлакат бош министри С. Доу.

Биз, деди у Либерия радиоси орқали гапириб, қўшилмаслик ҳаракати, БМТ ва Африка бирлиги ташкилотининг принциплари ва мақсадларини батамом қўллаб-қувватлаймиз.

С. Доу аввалги режим сиёсатини қаттиқ танқид қилди. Унинг таъкидлашича, аввалги режим «Аҳоли қашшоқ қисмининг орзу-умидларига мос келмасди». Порахўрлик ботқоғига ботган маъмурлар мамлакатни аянчли аҳволга келтириб қўйдилар, деди давлат бошлиғи.

Халқ халоскорлик кенгаши мамлакатда адолат ва инсон иззат-нафсини ҳурмат қилишга асосланган жамият қуриш мажбуриятини олади, деб таъкидлади у.

С. Доу Африканинг жанубидаги озодлик ҳаракатларини билан бирдамлик изҳор этди ва уларнинг курашини тўла ғалабагача қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди.

Монровиядан олинган хабарларга кўра, янги маъмурлар аввалги режим давлат аппаратини тозалашни давом эттирмоқдалар. Яна 15 нафар юқори мансабдаги киши, шу жумладан мамлакатнинг икки министри ва полиция бошлиғи қамоққа олинди. Либерияда ҳукмронлик қилган ҳақиқий Виглар партиясининг штаб-қароргоҳи ёпилди.

ОЛИМПИАДА ҒОЯЛАРИГА ТАҲДИД

БОНН, 14 апрель. (ТАСС). ГФР спортчилари ўртасида Москва Олимпиадасида қатнашиш ҳаракати кенгайиб бормоқда.

ГФРнинг шест билан сакраш рекордчиси Гюнтер Лоре телевидение орқали сўзлаб, ГФР спортчиларининг Олимпиада-80 да қатнашишлари зарурлигини айтди. «Олимпиада ўйинлари, — деди у, — куч синашиш учун бизга ажойиб имкониятлар очиб беради. Бойқот хавфи олимпиада ғояларига путур етказишига йўл қўймаслик керак».

Океан нариёғидагиларнинг «маслаҳат»ларига қарамай, ГФР спортчилари Москва олимпиадасига тайёргарликни давом эттирмоқдалар. Чунончи, ГФР олимпиада терма командасининг қатнашчилари бир-бирлари билан яқиндан танишиш ва машқ тажрибаси билан ўртоқлашиш учун яқин кунлар ичида шимолий Рейн—Вестфалиядаги Варендорф шаҳрида тўпланадилар. Бу учрашувда, деб хабар беради «Унзере Цайт» газетаси, 90 спортчи ва 40 тренер иштирок этади.

ГФРнинг турли районларидаги Олимпиада-80 дўстлари жаҳон спорт анжуманини қўллаб-қувватлаб чиқмоқдалар. Мюнхен гражданлар ташаббуси комитетининг йўқолсин олимпиадани бойқот қилиш!» деган хитобномаси тагига имзо тўплаш кенгайиб бормоқда. Эшкак эшиш бўйича терма команда аъзолари ГФР гражданларини бойқот ташкил қилиш йўлидаги уринишларга қарши норозилик билдиришга даъват этувчи минглаб варақаларни ГФРнинг турли шаҳарларида тарқатадилар.

ДПА агентлиги мамлакат етакчи спортчиларининг фикрини сўраб билди. Бу спортчилар олимпиадага зўр бериб тайёргарлик кўраётганликларини билдирдилар.



ПОЛЬША. Ново-Гутада Совет Иттифоқи техникавий ёрдамида бунёд этилган республикадаги энг йирик металлургия комбинати В. И. ЛЕНИН номи билан аталади. Ўтган чорак аср давомида комбинат корхоналари мамлакатга қариб 95 миллион тонна маҳсулот етказиб берди. Ҳозирда комбинат коллективи доҳий туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган социалистик мусобақанн якунлаш арафасида турибди.

О. Мазнов фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

«АФҒОН ҚОЧОҚЛАРИ» КИМЛАР?

ҚОБУЛ, 15 апрель. (ТАСС). Бахтар агентлиги эълон қилган шарҳда Покистон маъмурларининг «афғон қочоқлари» деб аталмиш кишиларга нисбатан тутаётган сиёсати фош этилади. «Қочоқлар лагерлари»ни бориб кўрганлар аслида у ердаги одамлар ҳар йили анъанага кўра, Покистондаги қишки яйловларга кўчиб борувчилар, шунингдек Амин режимининг жазосидан қочиб муҳожирликка кетишга мажбур бўлганлардан иборат эканлигини айтмоқдалар, дейилади бу шарҳда. Муҳожирликка кетганлар ҳеч қандай ёрдам олмаяптилар ва ватанга қайтишни орзу қилмоқдалар, деб таъкидлашади уларни кўрган кишилар.

Аммо, дейилади агентликнинг шарҳида, Покистон маъмурияти Вашингтон ва Пекиннинг кўрсатмасига биноан иш юритиб, бу кишиларнинг Афғонистонга қайтиш йўлига ғов солмоқда. Бундан ташқари, реакциячи доиралар «афғон қочоқлари тўғрисидаги масала» деб аталмиш масалани кескинлаштириш мақсадида уларнинг ўзга юртлардаги қулфатларини қасддан кучайтирмоқдалар.

ЖАНГ БЎЛМОҚДА

ПАРИЖ, 15 апрель. (ТАСС). Чаддаги бир-бирларига мухолиф ҳарбий-сиёсий гуруҳлар ўртасидаги жанглар давлат миллий мудофаа министри Хиссен Хабре қўмондонлигидаги кучларнинг силласини қуритишни мақсад қилиб қўйган. Х. Хабре икки фронтда жанг олиб боришга тўғри келмоқда. Информация агентликларининг ҳарбий обзорчилари шундай хулосага келмоқдалар. Франс-Пресс агентлигининг хабар беришича, ўтган кунлар пойтахтнинг шимолида Х. Хабре қисмлари билан ўткинчи миллий бирлик ҳукуматининг қисмлари ўртасида айниқса қаттиқ жанглар бўлди.

Нжамена қочоқлари қўшни давлатларнинг чегараларидан ўтишда давом этмоқда. Нигерия расмий кишиларининг айтишича, ҳар куни Чаддан Нигериянинг чегара бўйидаги Майдугури шаҳарчасига уруш бўлаётган мамлакатдан минглаб кишн ўтмоқда.

Нигерияда Чаддан келувчи қочоқларга фавқулодда ёрдам кўрсатувчи махсус комиссия тузилди. Баъзи маълумотларга кўра, бошқа бир давлат Камерунинг Коусири посёлкасида 120 мингга яқин чадлик қочоқлар паноҳ топганлар.

Реконструкция бошланиши биланоқ заводда еттита илғор тажриба мактаби очилди ва мингдан кўпроқ малакали ишчи тайёрланди. Юздан ортиқ киши Димитров, Дилевск, Дружковск ва Рига корхоналарига ўқишга жўнаб кетишди. Инженерларга бўлган талабнома Тошкент политехника институтига, ўрта бўғиндаги мутахассисларга бўлган талабнома Миргород керамика техникумига жўнатилди.

Янги қувватларни ўзлаштириш фурсати келган вақтда заводнинг ҳамма цехлари ва хизмат бўлимлари кадрлар билан тўла-тўкис таъминланганлиги маълум бўлди. Бундан ташқари Самарканддаги янги заводга, сўнгра эса Фарғона водийсидаги Қувасой заводига ёрдам беришга мувафақ бўлинди. Кейинги йилларда Ўзбекистон партия ва совет ташкилотлари ишлаб чиқариш техника таъминини ривожлантириш учун кўпгина ишлар қилдилар.

Бугунги кунда республиканинг кўпгина коллективлари ростовликларнинг: «Муддатидан илгари қурамиз — муддатидан илгари ўзлаштирамиз!» шиорини қўллаб-қувватладилар. Республика ташкилотлари қурилиш министрликларига, уларнинг моддий-техника базасига раҳбарликни анча мустаҳкамладилар. Энг илғор конструкциялар ва қурилиш материалларини кенг жорий этиш йўлига ўтилди. Кучларни ишга тушириладиган қурилишларга марказлаштириш тадбирлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида, кўпгина область ва шаҳар партия комитетларининг пленумларида халқ депутатлари Советларининг сессияларида муҳокама қилинди. Биринчи навбатдаги объектлар қаторига кирмайдиган 30 та қурилиш тўхтатиб қўйилди. Аксинча, энг муҳим объектларни жадал ишга тушириш кўзда тутилди. Республика область штаблари ва қувватларини муддатидан илгари ишга тушириш ҳамда ўзлаштириш комиссиялари қурилишнинг бориши устидан оператив назоратни амалга оширмоқдалар.

АФСУСКИ, ҳозирча ишларнинг бориши ҳамма жойда кўнгилдагидек деб бўлмайди. Республикада «стажли» қурилишлар оз эмас. Қувасойдаги ясси шифер ишлаб чиқариш заводи, «Ударник» совхозидаги чўчқачилик комплекси, «Электрохимпром» Чирчиқ бирлашмасидаги капролактам ишлаб чиқариш заводи, «Ташсельмашдаги кичик сериялн цех шулар жумласидандир.

Энгил саноат объектлари ҳам нуқсонлардан ҳоли эмас. Тошкентдаги «Қизил тонг» бирлашмасида йирик пайпоқ тўқиш цехини ва Марғилондаги «Атлас» бирлашмасида икки миллион метр шойи тўқиш цехини ишга тушириш аввал йил охиригача кўзда тутилгани ҳолда: биринчисини ноябрга, иккинчисини сентябрга кўчиришди. Бу жуда соз иш! Афсуски, биринчи объект бўйича қурувчилар уч ойлик планни 68 процент, иккинчи объект бўйича 44 процент бажаришган, холос.

Республика тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилмаётганлиги ва янгидан ишга туширилаётган қувватлар сусткашлик билан ўзлаштирилаётганлиги фактлари ташвиш туғдирмоқда. Бухородаги ип газлама комбинатида регионлараро миграция анъаналари қониқарсиз ҳисобга олинганлиги ва кадрлар тайёрлашда рўй бериб келаётган камчиликлар сабабли ҳозиргача барқарор меҳнат коллективи вужудга келтирилган эмас. Шунинг учун ҳам тўқув корхонасидаги дастгоҳларнинг атиги учдан бир қисмидан фойдаланиляпти, ваҳолонки, бу йил комбинатнинг иккинчи навбатини ишга тушириш кўзда тутилган.

Бухоро, Тошкент ва Фарғона тўқимачилик комбинатларидаги ишларнинг аҳволини яқинда шаҳар ва Фрунзе район (Тошкент шаҳри) партия комитетларининг пленумлари муҳокама қилдилар. Белгиланган тадбирлар шу корхоналар ишидаги камчиликларни тугатишга ёрдам беради.

Янги қувватларни ишга тушириш ва ўзлаштириш муҳим вазифа. Бу ўринда пайдо бўлаётган ошиқча чиқимлар ўз-ўзидан равшан. Бу иш кейинги вақтда республикада муайян мақсадга қаратилганлиги нуқтаи назаридан қандай аҳамият касб этганлигини таъкидлаб ўтиш шунинг учун ҳам жуда муҳимдир. Асосий фондларни ишга тушириш ўтган йили аввалги йилдагига нисбатан 12 процент ортди ва Ўзбекистоннинг саноат ишлаб чиқариши Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган кўпгина энг муҳим тармоқлар бўйича ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида 20 процент ортди. Беш йиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун реал имкониятлар яратилди.

Қувват вақтга тақсимланган энергия демакдир. Биз буни физика дарслигидан биламиз. Ҳозирги вақтда республикада ишга туширилаётган ишлаб чиқариш қувватлари эса кишилар ташаббускорлиги, уюшқоқлиги ва иродасининг вақт эътибори билан ютиб чиқилиши эвазига кўлайтирилган қуввати демакдир. Бугунги кунда кимки, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг туб масалаларидан бири — қувватларни ишга тушириш ва ўзлаштиришни ҳал этишга шундай мезон билан ёндашса, у кўнгилдаги натижаларга эришиши муқаррар. Ўзбекистон буни тасдиқловчи намунадир.

Г. ДИМОВ,
[«Известия» мухбири].
Тошкент.
[«Известия», 13 апрель].



Тошкентда Ўзбекистон Журналистлар союзи ташкил қилган фотокўргазма доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ва совет халқининг фашизм Германияси устидан қозонилган буюк Ғалабанинг 35 йиллигига бағишланади. Суратда: фотокўргазма экспонатлари.

А. Абалян фотоси.

ГДР НАМОЙИШ ҚИЛАДИ

ГЕРМАНИЯ Демократик Республикасида ишлаб чиқарилаётган мебеллар фақатгина республиканинг ўзидагина эмас, балки чет элларда ҳам машҳурдир. Жумладан, Германия мебелсозлик корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар СССР, Чехословакия, Польша, Венгрия, Скандинавия, Англия, Франция, Швейцария, Австрия, Германия Федератив Республикаси ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

Германиялик мебелсозларнинг энг ишончли харидорларидан яна бири Совет Иттифоқидир. Бу йил Республикадан СССРга мебель етказиб бериш ўтган йилга нисбатан 106,2 процентга ортади.

Серқуёш республикамизда ҳам Германияда тайёрланган мебелларни яхши кўришади. Улар сифатли тайёрланган, ташқи кўриниши чиройли ва кулайдир. ГДРнинг Хольц унд Папир, Экспорт-Импорт ташқи савдо ташкилоти Тошкентдаги Ўзбекистон Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмаси павильонида ўз маҳсулотларини намойиш қилмоқда. Бу ерга германиялик ёғоч усталарининг 11 турдаги ётоқхона, меҳмонхона, ёшлар хонаси ва овқатхона учун тайёрланган мебелларни қўйилган.

— Ҳар йили республика бўйича мебель ишлаб чиқариш 8 процентга ортаяпти, — дейди кўргазма очилишидан олдин уюштирилган матбуот конференциясида кўргазма директори Г. Мюльбергер.

Қ. КАРИМОВ.

БУЮРИНГ, ЭЛТИБ БЕРИШАДИ

— Буюртма салони эшитади.

— Валентина Семеновна сизмисиз?

— Ҳа менман, ўртоқ Савдов эшитаман нима буюрасиз?

— Марҳамат қилиб уйга гўшт билан ярим килограмм чой юборсангиз.

— Жоним билан. Ҳа, лимон билан қора кофе керак эмасми?

— Тўрт дона лимон қўшақолинг.

— Пешиндан кейин буюртмаларингизни ўйингизга элтиб беришади.

«Березка» магазинига қарашли буюртмалар салони мудираси Валентина Семеновна Луценко ҳар куни деярли юздан ортиқ мижозлари билан ана шундай муомалада бўлади. Уларга керак бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ёзиб олиб, уйига элтиб беришда бош-қош бўлади.

Буюртмалар салони ҳар кун 200 дан зиёд меҳнат ва уруш ветераниларига ҳамда ногиронларга хизмат қилади. Таклиф ва мулоҳазалар дафтарига кўз югуртирар эканмиз фақат миннатдорчилик сатрларини ўқидик. Истеъфодаги генерал майор В. Сохацкий мана бундай деб ёзипти: «Биз меҳнат ва уруш ветераинларига ҳамма ерда иззат икром кўрсатишмоқда. Шу жумладан буюртмалар салонининг ишчи ва иноқ коллективи ҳам бизнинг хизматимизда. Мен тезгинларим номидан В. Луценко бошчилик қилаётган салон ходимларига яхши кайфият ва соғлик тилайман».

Меҳнат ва уруш ветераларидан А. Сандов, И. Ботиров, И. Конюшченко, И. Герфанов, И. Низомиддинов, С. Нигматов ва бошқалар ҳам буюртмалар салони хизматидан мамнун бўлиб ташаккурларини таклиф ва истаклар дафтарига ёзишипти.

— Салонимиз Чилонзор ва Акмал Икромов районида истиқомат қиладиган пенсионерлар, меҳнат ва уруш ветераларига хизмат қилади, — дейди Валентина Семеновна, — аксарият мижозларимизга буюртмаларини уйларига элтиб берамиз. Сотувчимиз Таня Степонятсвани мижозларимиз ҳурсанд бўлиб кутиб олишади. 3-автокомбинат бизга битта енгил автомашина ажратган. Лекин шоферларни тез-тез алмаштириб турилиши ва гоҳида келмай қолиши ишимизга маълум даражада бўлса ҳам тўсқинлик қилмоқда. Салонимизга алоҳида машина бириктириб қўйилса бу биз учун ҳам, мижозларимиз учун ҳам айни муддао бўлардн.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

КЎТАРА САВДО

«Ҳурматли редакция. Биз Чирчиқ пойафзал фабрикасининг Чорвоқ посёлкасидаги 2-филиалида ишлаймиз. Бу ерга келганимизга ҳадемай икки йил бўлади. Лекин шунча давр ичида бирон марта маошимизни ўз вақтида олганимизни билмаймиз. План доим бажарилади, лекин ёлчитиб мукофот олмаймиз. Бунинг устига ҳар ойда шанба кунлари икки марта бўйруқ билан ишлаймиз. Илтимослар ўёқда турсин, бўйруқ билан ишлаган кунларимизга ҳам ойлик ёзиш «эсларидан чиқиб» қоладн. Талаб қилсак, кейинги ойга қўшиб юборамиз, дейишади.

Шу йил январь ойида ғалати воқеа бўлди. Енгил саноат министрлигидан обрўли бир одам келиб, цехларимизни айланди. Биз билан суҳбатлашётиб, мукофотни ҳар ойда олиб турасизларми, деб сўрадилар. У кишини бошлаб юрган фабрика директори Д. Нуазов бизлан олдин «ҳа, ҳар ойда олиб туришади» дедн. Катта одамнинг юзига тик қараш одобдан эмас, ёлғон бўлса ҳам директорнинг гапини маъқулладик. Директоримиз бундан таъсирланиб кетган шекилли, февралда «мукофот бўларкан» деган хушхабар тарқалди. 5 февралда олиш лозим бўлган маошни 14 февралгача кутдик. Ниҳоят, 7 ойга — 1979 йил июнь — декабрга мукофот ҳам олдик. Лекин ойлигимиздан жуда кўп ушлаб қолишган.

Бухгалтеримиздан сўрасак, «ҳаммаси тўғри» деб жавоб беради. Ўзи эса пулни тўғри ҳисоблашни ҳам билмайди. Чирчиқдаги бош корхона бухгалтериясига борсак, ўзларингнинг бухгалтерингдан талаб қилинглар, деб эшитишни ҳам ҳоҳлашмайди. Хуллас, бизга ёрдам берарсиз, деган умиддамиз.

Илтимос билан бир гуруҳ қизлар».

Директор Д. Нувазов редакцияга йўлланган хат билан танишиб чиқиб, албатта, хурсанд бўлмади.

— Ҳа, ишчилар ҳақ, ҳақиқатан шундай камчиликларга йўл қўйганмиз, — деди у хатни ўқиб бўлиб. Кейин, кабинетига чақиртирган бухгалтерия ходимларига юзланди: — бу масалани неча марта муҳокама қилдик, неча марта сизларга, тартиб ўрнатинглар, дедим. Ҳар куни бундан ҳам жиддийроқ қанча муаммоларни ҳал қиламиз, планларни ошириб бажарамиз-у, шу арзимас тартибсизликни тугатолмасак. Бу ерда, — ў ўзига ўзи гапиргандек хатга ишора қилди, — менинг номимга ҳам аччиқ гаплар айтилган.

Двуўмар Лаухович ўша гапларнинг рост-ёлғонлигини айтмади, биз сўрамадик. Лекин бухгалтерия ҳужжатларини текширишлар натижаси... афсуски, бу гаплар, аниқроғи, фактлар ростлигини кўрсатди.

Ҳақиқатан ҳам, 2-филиал ишчилари ўтган йилнинг сўнгги етти ойи учун бирваракайига шу йил февралда мукофот олишган! Ҳолбуки, улар планни ошириб бажаргани учун ҳар ойда мукофот билан тақдирланиши керак. Эътибор беринг, икки-уч ой ҳам эмас, етти ой! Ахир бу ишлаб чиқариш корхонаси-ку! Филиалда эса, кўтара савдо қилиб қўя қолишибди.

Ким айбдор? Шундай ҳақли савол туғилади.

Ишчиларга мукофот тўлаш тартиби бўйича, филиал бошлиғи ва бухгалтерия ҳар ойда бажарилган иш тўғрисида фабрика план бўлимига справка беришлари керак. Аммо, шундай қилишмаган.

— Сиз нега талаб қилмадингиз? — сўраймиз план бўлими бошлиғи С. Эмдан.

— Талаб қилавериб зерикдим. Ҳатто директорга икки марта докладной ёзиб бердим.

Директор Д. Нуазозга план бўлими бошлиғи 1979 йил 24 октябрида ёзиб берган ахборот — докладнойнинг мазмуни қуйидагича:

«Сизга шуни маълум қиламанки, иккинчи филиал бошлиғи К. Дауреновдан тайёр пойафзални потоклар бўйича омборга топширишни бирнеча марта илтимос қилишимизга қарамай, у ҳанузгача буни бажармаяпти. Натижада, план бўлими ишчиларга сентябрь ойи учун мукофот тўлаш ҳақида меҳнат ва иш ҳақи бўлимига маълумотларни беролмаяпти».

— Бу биринчи докладнойми? — сўраймиз план бўлимининг бошлиғидан.

— Йўқ, иккинчиси. Чора ҳам, натижа ҳам йўқ.

Кўриниб турибдики, бу тартибсизликлардан директор хабардор...

Кадрлар бўлимида ҳатда айтилган «пул ҳисоблашни билмайдиган» филиал бухгалтери В. Дербенёванинг шахсий делоси билан қизиқдик. Ишчиларнинг гапида жон бор экан. В. Дербенёванинг бухгалтерия ишларига онд ҳеч қандай маълумоти йўқ. Тошкент қурилиш техникумининг филиалини битирган, Чорвоқ ГЭСида ишчи, совхозда секретарь-машинистка бўлиб ишлаган. Кейин бирдан бу ерда бухгалтер...

— Бухгалтерлар етишмайди, бу вазифада ишлашга одам йўқ, — дейди директор.

Лекин, маълум бўлишича В. Дербенёва штатда тургани билан, ишлаяпти, деб ҳам бўлмас экан.

— Ўтган йил декабридан бери мен бухгалтериямизни икки ёки уч мартагина кўрдим, — дейди филиал бошлиғи К. Дауренов.

Бухгалтерни бошлиқ уч ойда икки марта иш жойида кўргандан кейин, ишчилар ярим-ерти бўлса ҳам, икки-уч ҳафта кечикиб маошларини, етти ой кечикиб мукофотларини олаётганликларига шукур қилишлари керак, тўғри эмасми?..

Чорвоқдаги филиалда ишчилар билан суҳбатлашганимизда ҳатдаги асосан тўғри фикрларга яна қўшимча фактлар, аниқликлар киритилди.

Маъмура Пўлатова техника билим юртини тугатиб, филиал ишга тушган давр — 1978 йил январдан бери шу ерда ишлаётган малакали ишчи.

— Бу йил январида касалхонада ётиб даволандим, — дейди Маъмура, — ишга чиққандан кейин бетоблик вақти учун ҳақ олишим жуда қийин бўлди. Бухгалтеримиз, бюллетенингни топширганман, дейди. Чирчиққа борсам, топширмаган, дейишади. Шу иш билан Чирчиққа ўзим икки марта бордим. Уддасидан чиқа олмадим. Кейин икки марта опамни бошлаб бориб, ниҳоят тўртинчи «ташрифда ҳақимни олиш «шарафига» муяссар бўлдим.

Бухгалтериядагилар «аллақандай англашилмовчилик» учун қуруққина кечирим ҳам сўраб қўйишди...

— Октябрь — ноябрда кам ойлик олгандим, — дейди Гулбаҳор Дадабоева, — ишбай бўлгандан кейин, қанча ишлаганимни ўзим биламан. Бир неча марта Чирчиққа— бухгалтерияга бориб, қолган ҳақимни ололмадим. Охири акам билан борганимдан кейингина икки ой учун «қолиб кетган» 60 сўмчи яқинда олиб келдим.

Январь ойида Чирчиқда фабрика цехларида филиалнинг Г. Абдураимова, Ф. Алимова, М. Турсунбоева, О. Исматуллаева ва бошқалардан иборат бир группа ишчилари ишлашди. Улар шогирдлик даврини ўтаётган бўлса ҳам, ўртача иш ҳақи тўлаймиз, дейишди. Бунга буйруқ ҳам берилди. Лекин, қизлар 20 кун учун 10—15 сўмдан ортиқ маош олишмаганига ажабланишяпти.

Г. Абдураимова ўтган йил декабрга ва шу йил январга маошини ололмай юрибди.

— Чирчиққа борсам, филиалнинг бухгалтериги айт, дейишди, унга айтсам, сенга наряд ёзилмаган, қўл қўймаган, дейди. Мастер эса, наряд бор, дейди...

1979 йилда филиалда кадрлар қўнимсизлиги 42 процентни ташкил этди. Бу, барча ишчиларнинг деярли ярми ишдан бўшади, деган гапдир...

Аввалambор, маошнинг «қолиб кетиши» қизиқ. Кейин, ўзи уни олишни уддасидан чиқа олмаса-да, биров опасини, биров акасини бошлаб боргандан кейингина «қолиб кетган» маошини олса, ҳеч қандай асоссиз ойлаб тўланмай ётган касаллик варақаси ҳақини олса.

Бундай аҳволнинг давлат ишлаб чиқариш корхонасида рўй бераётгани эртакка ўхшайди. Ишчи ҳалол меҳнат қилсин-да, бунинг эвазига қонуний маошини аниқ белгиланган кунда ололмасин, олганда ҳам ярим-ертиси «англашилмовчилик» оқибатида қолиб кетсин. Дам олиш кунлари ва бўш вақтини Чорвоқ билан Чирчиқ ўртасидаги 40 километрлик масофада бўзчининг мокисидек қатнаб, эшима-эшик иш ҳақини излаб ўтказсин!..

Бу жиддий масала. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг бу ҳақдаги фикрини билмоқчимиз.

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ФЕЛЬЕТОН

ҲОЗИРЖАВОБЛИК — БОШ МЕЗОН

РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКТОРЛАРИ ВА РАДИО ТАШКИЛОТЧИЛАРНИНГ ЛЕТУЧКАСИДАН

Ўтган шанба куни Пискент районида район газеталари редакторлари ва радио ташкилотчиларининг зонал летучкаси ўтказилди. Унда Ўрта Чирчиқ, Пискент, Ғалаба район газеталари ҳамда Пискент район радио эшиттириш редакцияларининг иш фаолияти атрофлича муҳокама этилди.

Матбуот самарадорлигини ошириш область советининг раиси Т. Рустамов газета ишини планлаштириш ва уни амалга ошириш бўйича фикр юритар экан, Пискент район «Меҳнат байроғи» газетаси редакцияси коллективининг бу соҳадаги ютуқ ва камчиликларини атрофлича ифодалаб берди.

Редакция иш планида ҳозирги кун талаби эътиборга олинган. Халқ хўжалигининг ҳар бир соҳасидан тематик мақолалар, саҳифалар бериш планлаштирилган. Шу билан бирга у партия турмуши ва хатлар бўлимларининг иш планларидаги камчиликларни ҳам кўрсатди.

Ғалаба район «Ленин йўли» газетаси саҳифаларида «Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш» темаси қандай ёритилаётганини «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг бўлим мудири Ф. Усмонова шарҳлаб берди.

Яқинда бўлиб ўтган идеология ходимлари республика партия активи йиғилишида таъкидланганидек ҳозир оммани коммунистик руҳда тарбиялаш учун ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ шарт-шароитлар бор. Ахлоқий тарбияни янада кучайтиришга республика партия ташкилоти катта эътибор бериб келмоқда. Юксак гоявийлик, камтарлик ва сабр-тоқат, меҳнатда матонат, одамларга саховат сингари фазилатларни камол топдириш муҳим ишдир. Бу муҳим ва жанговар вазифаларни амалга оширишга журналистлар ҳам даъват этилгандирлар. Журналистларнинг фаолияти, жўшқин сўзи кенг халқ оммасининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини муттасил оширишга ёрдам бериши керак.

«Ленин йўли» газета саҳифаларини взрақлар экспансии ўсиб боряпти. Бугунги кунда қуруқ сафсата, насиҳатгўйлик газетхонни қизиқтирмай қўйди, ана шу жиҳатдан қараганда газета коммунистик ахлоқ темасини тўлатўкис ёритиши учун ишини қайта қуриши — бу темани конкрет мисоллар билан, маҳаллий ҳаёт тажрибаларидан кенг фойдаланган ҳолда ёритишни планлаштириши керак кенг жамоатчиликка таяниб, район миқёсидаги эмёлилар, мураббийлардан иборат актив ишга жалб этиши лозим. Умумий гаплардан қочиб газетхонга таъсир қиладиган, жамоатчилик фикр ва мулоҳазаларини кўзғатадиган мақолаларни уюштириш зарур.

Айниқса маданий турмуш тарзини тарғиб қилиш, фарзандларимизни ёшликдаёқ юксак онгли, меҳнаткаш, ростгўй қилиб тарбиялаш зарур.

Летучкада Ўрта Чирчиқ район «Машъал» газетаси саҳифаларида В. И. Ленин таваллудининг 110 йиллиги мавзуи кай даражада ёритилаётганлиги хусусида Тошкент Давлат университетининг доценти, тарих фанлари кандидати В. Абдуллаев қимматли фикр ва мулоҳазалар билдирди, яхши маслаҳатлар берди.

Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшиттириш давлат комитети маҳаллий радио эшиттириш бош бошқармасининг редактори Мунира Мусамуҳамедова Пискент район маҳаллий радиоэшиттиришларини анализ қилиб берди.

Район маҳаллий радио эшиттириш редакциясининг иши бир мунча пассивлашиб кетган. Қатор эшиттиришлар сабабсиз қолдирилган, партия, совет, хўжалик раҳбарларининг чиқишлари ташкил этилмаган. Бундан ташқари район бўйича 7413 та радио точка мавжуд бўлса, шундан фақат Пискент шаҳридаги 3130 та точка ишлаб турибди холос. Хўжаликлар, қишлоқлардаги радио точкалар ишламайди. Район партия комитети радиоэшиттириш редакциясининг ишидаги жиддий камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриши зарур.

Тошкент область партия комитети, область журналистлар ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган зонал летучкада район газеталари ва радио редакциялари ишини янада яхшилашга ёрдам берувчи фикрлар кенг баён этилди. Летучка ишига область партия комитети матбуот, телевидение ва радио сектори мудири С. С. Саидвалиев якун ясади.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Спорт

СОБИР РЎЗИЕВНИНГ ҒАЛАБАСИ

Олимпиада мавсумида мамлакат терма командаси сафида машқ қилаётган халқаро класслдаги спорт мастери, жаҳон чемпиони Собир Рўзиев Украина пойтахтида «Киев рапираси» соврини учун ўтказилган халқаро мусобақада иштирок этди. Спортчимиз бу сафар ҳам ўзининг севган турн рапирачиларнинг кучли беллашувларида муваффақиятли иштирок этиб, учинчи марта ана шундай турнир ғолиби бўлди. Тошкентлик қиличбоз ҳал қилувчи олишувда грузиялик В. Ацциаурини енгиб, бош совриндор бўлди. Собир Рўзиев СССР терма командаси сафида ГФРда бўладиган халқаро мусобақага тайёргарлик кўрмоқда.

●

ЧЕМПИОНАТ СТАРТ ОЛДИ

Республика шахмат-шашка клубида шахмат бўйича Ўзбекистон XXXV чемпионати старт олди. Олий лигада жами 18 шахматчи қатнашмоқда. Биринчи турда тошкентлик Д. Қаюмов олмаликлик Н. Разваляевни мағлубиятга учратди. А. Тошхўжоев Ф. Ширинни, Г. Аъзамов А. Ханни, Т. Воҳидов маргилонлик Н. Ганиевни енгди. Тошкентлик Г. Борисенко билан сирдарёлик Л .Маслов учрашуви дуранг бўлиб тугади.

Кеча шу спорт клубида аёллар ўртасида республика XXXVIII чемпионатига ҳам старт берилди.

ЎҚУВЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ

Ўқувчи спортчиларнинг XVI спартакиадаси программаси асосида мусобақалар давом этмоқда. Митрофанов номидаги сув спорти саройида сузиш бўйича ўтказилган мусобақаларда Тошкент области вакиллари 310 очко тўплаб, команда ҳисобида учинчи бўлишди. 400 метрга комплекс сузишда Л. Ниповец ғолиб келган бўлса, 800 метрга сузишда С. Чегина 10, 54,3 секунд натижа кўрсатиб, фахрли учликка кирди.

Спартакиада программаси асосида шахматчилар мусобақаларн Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди. Команда ҳисобида ўринлар қуйидагича тақсимланди. Тошкент шаҳри, Самарқанд области, Тошкент области. Чирчиқлик мастерликка номзод Сергей Загребелний 9 имкониятдан 8 очко тўплаб, спартакнада чемпиони бўлди.

●

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Чим устида хоккей бўйича мамлакат чемпионатини «Андижанка» хоккейчилари ғалаба билан бошладилар. Улар Шаулёйнинг «Таураз» командасини қабул қилиб, 3:1 ва 6:0 ҳисобида ғалабага эришдилар.

БИЛДИРИШ

1980 йил 24 апрель соат 11 да Тошкент область журналистлар ташкилотининг пленуми бўлади.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг маслислар залида (4-қават) ўтказилади.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

25 АПРЕЛДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

«КЎЗГА КЎРИНМАС ОДАМ»

ФАНТАСТИК-САРГУЗАШТЛИ АТТРАКЦИОН

«ЖАВОҲИРЛИ ТИЛЛА ТАЁҚЧА» халқаро мукофотининг эгаси, халқаро сеҳргарлар академиясининг профессори, Бутуниттифоқ кўнгилнинг лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артист

ОТАР РАТИАНИ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан ишланди.

44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича коллектив заявкалар қабул қилинади.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ

«ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Горичилар, қавердасиз! 10.35 — Сарсонлик-саргардонликда. Бадиий фильм. 11-серия. 11.45 — СССР Давлат академия Большой театри ёш солистларининг концерти. Концерт тугагач янгиликлар. 14.55 — Янгиликлар. 15.15 — Оловли бахтда. 15.45 — Шахмат мактаби. 16.15 — Концерт. 16.30 — Уфқ. 17.30 — Советлар ва ҳаёт. 18.00 — Қадрдон ер бурчаги. 18.30 — Миллионлар ленинча университетя. 19.00 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Концерт. 20.15 — Сарсонлик-саргардонликда. Бадиий фильм. 12-серия. 21.30 — Время. 22.05 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Зоологиядан ўқув кўрсатув. 12.00 — Фонарик. 12.30 — Зоологиядан ўқув кўрсатув. 13.00 — Ҳужжатли киноленинномадан. 13.30 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган Ўзбекистон пионерларининг йўлдамаси. 18.05 — Мультфильм. 18.10 — Ёшлик. 18.45 — Турмуш ва маданият. 19.15 — Ленин альбоми. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Адабий композиция. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон артистлари ижросида Шарқ халқларининг кўшиқлари. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Тўлиқ гектар — мўл ҳосил гарови. 22.20 — Миллиқли киши. Бадиий фильм.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17|IV да **Олифта**, 18|IV да — **Қизил дуррали нозик ниҳолим.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17|IV да **Кўзингни каттароқ оч**, 18|IV да **Отасининг қизи.**

ДОИМИЙ ИШГА

склад мудири, тарбиячи, машинистка, курьер, автоматик телефон станциясини координациялаш бўйича алоқа техниги, созловчи-слесарь, автологрузна ҳайдовчи, аккумуляторларни созловчилар, газ пайвандчи, автомоторист, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар.

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334803, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиет ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; маданият — 325553; фотомухбир — 323894.

Р. 13827. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64833. Б. 13[illegible].